кўра, бир туп мош илдизидаги туганаклар оғирлиги ғунчалаш фазасида 0,1776 – 0,4144 г, гуллаш фазасида 0,2368 – 1,4800 г, дуккаклаш фазасида 0,2368 – 2,2496 г, пишиш фазасида эса 0,2368 – 1,3024 г бўлиб, туганаклар сони кўп бўлган вариантларда туганаклар оғирлиги туганаклар сонига мос ҳолда юқори кўрсаткичга эга бўлди. Яъни, туганаклар оғирлиги туганаклар сонига мос ҳолда микробиологик ўғитлар қўлланган 2- ва 3-вариантларда кўп бўлди. Юқори натижа мош эрта муддатда гектарига 10 кг меъёрда экилган ҳамда уруғига “Organit-N” микробиологик ўғити билан ишлов берилган 2-вариантда дуккаклаш фазасида 2,2496 г ни ташкил эди.

Туганаклар оғирлиги бир гектар майдон ҳисобида ҳам ҳисобланганда экиш меъёри ошиб бориши билан бир гектардаги туганаклар оғирлиги ҳам кўчат сонига

жадвал

Мош илдизиди ҳосил бўлган туганаклар оғирлигига экиш муддати,
меъёри ва микробиологик ўғитларнинг таъсири, (2020 й.)

Вариантлар	Бир туп мош илдизидидаги туганаклар оғирлиги, г				1 гектар майдондаги туганаклар оғирлиги, кг/га			
	ғунчалаш фазасида	гуллаш фазасида	дуққаклаш фазасида	пишиш фазасида	ғунчалаш фазасида	гуллаш фазасида	дуққаклаш фазасида	пишиш фазасида
1-вариант	-	0,4144	0,5328	0,3552	-	70,4	90,6	60,4
2-вариант	0,4144	1,4800	2,2496	1,3024	70,4	251,6	382,4	221,4
3-вариант	0,2368	0,8288	1,7168	0,6512	40,2	140,9	291,8	110,7
4-вариант	-	0,3552	0,4736	0,3552	-	83,5	111,3	83,5
5-вариант	0,3552	1,2432	1,9536	1,0656	83,5	292,1	459,1	250,4
6-вариант	0,1776	0,6512	1,5392	0,4144	41,7	153,0	361,7	97,4
7-вариант	-	0,2368	0,3552	0,2368	-	71,0	106,5	71,0
8-вариант	0,2368	1,0064	1,7168	0,8288	71,0	301,9	515,0	248,6
9-вариант	0,1776	0,6512	1,3616	0,4736	53,3	195,3	408,5	142,1
10-вариант	-	0,3552	0,4144	0,3552	-	60,4	70,4	60,4
11-вариант	0,3552	1,1840	1,8352	1,0064	60,4	210,3	312,0	171,1
12-вариант	0,2368	0,6512	1,3616	0,5328	40,2	110,7	231,5	90,6
13-вариант	-	0,2368	0,3552	0,2368	-	55,6	83,5	55,6
14-вариант	0,2368	1,0064	1,6576	0,8288	55,6	236,5	389,5	194,7
15-вариант	0,1184	0,4144	1,0064	0,3552	27,8	97,4	236,5	83,5
16-вариант	-	0,2368	0,2368	0,2368	-	71,0	71,0	71,0
17-вариант	-	0,8880	1,3616	0,7104	-	266,4	408,5	213,1
18-вариант	-	0,3552	0,7104	0,3552	-	106,5	213,1	106,5

мос ҳолда ошиб борди. Яъни, дуққаклаш фазасида бир гектар майдондаги туганаклар оғирлиги мош уруғи 10,0 кг/га меъёрида экилганда 90,6-382,4 кг, 14,0 кг/га меъёрида экилганда 111,3-459,1 кг, 18,0 кг/га меъёрида экилганда эса 106,5-515,0 кг бўлиб, экиш меъёри 4 – 8 кг гача ошиб бориши билан туганаклар оғирлиги гектарига 76,7-132,6 кг гача ошиб борди. Юқори натижа мош гектарига 300000 дон (18 кг/га) уруғ экилган ҳамда “Organit-N” микробиологик ўғити қўлланган 8 - вариантда дуққаклаш фазасида 515,0 кг/га ни ташкил этди (жадвал).

Мош уруғига “Organit-N” микробиологик ўғити қўлланганда туганаклар сони ва оғирлиги юқори бўлишига сабаб микробиоўғит таркибидаги *Azospirillum zeaе* ВКПМ В-12542 бактерияларнинг асосий вазифаси ҳаводаги азотни фиксация қилиш ва уни ўсимликлар истеъмоли учун яроқли шаклга ўтказишдан иборатдир.

ХУЛОСА

Такрорий экин сифатида парваришланган мошнинг илдиз тизимида туганак бактерияларнинг шаклланиши ва ривожланиши экиш муддати, экиш меъёри ҳамда микробиологик ўғитларни қўллашга бевосита боғлиқ бўлиб, бир туп ўсимликда туганаклар сонининг энг

юқори кўрсаткичлари мош эрта муддат (20-25.06) да гектарига 10,0 кг меъёрида экилган ҳамда экиш олди уруғлар “Organit-N” микробиоўғити билан ишлов берилганда қайд этилди. Шу билан бирга, экиш меъёри ошиши ҳисобига бир туп ўсимликдаги туганаклар сони камайган бўлса-да, бир гектар майдондаги умумий туганаклар массаси ва биологик азот тўплаш салоҳияти ортиши кузатилди. Бу эса тупроқда биологик азот заҳираларини кўпайтириш, фаоллаштириш ҳамда кейинги экинлар учун тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Демак, Қашқадарё вилоятининг тақирсимон тупроқлари шароитида такрорий мош етиштиришда бир туп ўсимликда туганаклар сони ва оғирлигининг юқори бўлишини таъминлаш учун экиш олди уруғларга “Organit-N” микробиологик ўғити билан ишлов бериш ва уруғларни гектарига 10,0 кг меъёрида экиш мақбул агротехник тадбир ҳисобланади. Бироқ тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, тупроқда биологик азот тўпланишини кучайтириш ҳамда бир гектар майдонда туганаклар умумий массасини кўпайтириш мақсадида уруғларни гектарига 18,0 кг меъёрида экиш мақбул меъёр ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Атабаева Х.Н, Саттаров М.А, Идрисов Х.А Суғориладиган майдонларда мош етиштиришнинг интенсив технологияси бўйича тавсиянома. Тошкент, 2019. -Б. 4-6
2. Атабаева Х.Н., Идрисов Х.А. Мош (*Phaseolus aegyptius*) навларининг симбиотик фаолиятини типик бўз тупроқлар шароитида тадқиқ этиш натижалари. //Тупроқ унумдорлиги ва қишлоқ хўжалиги экинлар ҳосилдорлигини оширишнинг замонавий-инновацион технологиялари, муаммо ва ечимлар мавзусидаги Республика миқёсидаги илмий-амалий анжуман тўплами. Бухоро, 2021. -Б. 207-209
3. Исмаилов М.Е. Сидерат учун етиштирилган мошнинг тупроқ унумдорлигига таъсири. //”Агро илм”-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси. Тошкент, 2025, №9 (120). -Б. 33-34
4. Кенжаев Ю., Орипов Р. Такрорий экинларнинг ўсиши ва ривожланиш хусусиятлари. //”Агро илм”-Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси. Тошкент, 2007, №3. -Б. 14
5. Когай М.Т. Суғориладиган ерларда дуккакли-дон экинларини етиштириш.-Тошкент: Ўзбекистон, 1973. -Б. 40
6. Мишустин Е.Н., Шильникова В.К Биологическая фиксация атмосферного азота. М. Колос. 1968. -Б. 395
7. Негматова С. Мош эккан кам бўлмайди. //Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. 2007, №7, -Б. 18
8. Нуруллаева М.Ш., Негматова С.Т., Джумаев Ш.Б., Ёқубов Ф.Қ., Халикова Д.Б. *Crotalaria Juncea* илдизида ҳосил бўлган туганаклар сонига экиш муддат ва меъёрларининг таъсири. //Пахтачилик ва дончилик. 2021, № 3 (3). -Б. 69-74
9. Annalisa Tassoni, Tullia Tedeschi, Chiara Zurlini, Ilaria Maria Cigognini, Janos-Istvan Petrusan, Óscar Rodríguez, Simona Neri, Annamaria Calli, Laura Sisti, Petrizia Cinalli, Francesca Signori, Georgios Tsetsos, Marika Bondi, Stefanie Verstringe, Geert Bruggerman, Philippe F.X. Corvini State-of-the-Art Production Chains for Peas, Beans and Chickpeas—Valorization of Agro-Industrial Residues and Applications of Derived Extracts. //Molecules. 2020. 25. P. 1383
10. Goyal R.K, Mettoo A.K, Schmidt M.A Rhizobial–Host Interactions and Symbiotic Nitrogen Fixation in Legume Crops Toward Agriculture Sustainability. //Front. Microbiol. 2021. 12: -P. 669404
11. Khalikov B.M., Negmetova S.T., Namozov F.B., Akhmedov SH.E. Mung bean. Monograph. Novateur Publications, India 2020, -P. 145
12. Negmatova S.T., Halikov B.M., Namozov F.B., Halikova D.B. The effectiveness of growing mungbean as a summer crop after winter wheat harvest. //International Journal of Psychosocial Rehabilitation. London. Powered by Scopus. April. 2020. -P. 7343-7350

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Шовкатов Бекзод Шухрат ўғли, Қарши давлат университети. (Қарши, Қашқадарё), bshavkatov66@gmail.com, ORCID ID 0009-0004-7923-3751

Ахмедов Шахриёр Эгамназарович, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент. Қашқадарё вилояти, Косон туман 4 сон техникуми. ORCID ID 0000-0002-5700-7650

Негматова Сурайё Тешаевна, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 1), surayonegmatova606@gmail.com., ORCID ID 0000-0002-6104-7924

УДК. 581.4.

МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИЗНАКИ И УРОЖАЙНОСТЬ СУДАНСКОЙ ТРАВЫ (*SORGHUM SUDANENSE*) В УСЛОВИЯХ ЮГА ТАДЖИКИСТАНА

MORPHOLOGICAL FEATURES AND YIELD SUDANESE GRASS (*SORGHUM SUDANENSE*) IN THE CONDITIONS OF THE SOUTH OF TAJIKISTAN

JANUBIY TOJIKISTON SHAROITIDA SUDAN O'TI (*SORGHUM SUDANENSE*)NING MORFOLOGIK BELGILARI VA HOSILDORLIGI

**Бобоев Абдумусобир Абдулфайзович, кандидат сельскохозяйственных наук, доцент*

***Партоев Курбонали, доктор сельскохозяйственных наук, профессор*

**Boboyev Abdumusobir Abdulfayzovich, Candidate of Agricultural Sciences, Associate Professor*

***Partoyev Kurbonali, Doctor of Agricultural Sciences, professor*

**Boboyev Abdumusobir Abdulfayzovich, qishloq xo'jaligi fanlari nomzodi, dotsent*

***Partoyev Qurbonali, qishloq xo'jaligi fanlari doktori, professor*

**Дангаринский государственный университет, Таджикистан*

*Институт ботаники, физиологии и генетики растений Национальной академии наук Таджикистана,
Таджикистан*

**Dangara State University, Tajikistan*

***Institute of Botany, Plant Physiology and Genetics, National Academy of Sciences of Tajikistan, Tajikistan*

**Dang'ara davlat universiteti, Tojikiston*

***Tojikiston Milliy fanlar akademiyasi Botanika, o'simliklar fiziologiyasi va genetikasi instituti, Tojikiston*

Аннотация. Сообщается о результатах исследований (2023-2025 гг.) по изучению двух сортов суданской травы (*Sorghum sudanense*) в условиях Фархорского района Таджикистана (на высоте 350 м над уровнем моря). Изучаемые сорта суданской травы существенно различаются между собой по таким морфологическим признакам, как высота растений, количество листьев, длина и ширина листьев и длины метелки и урожайности. Высота растений у сортов суданской травы- Удача и Констанция к концу вегетации соответственно составляла 275 и 296 см, количество зёрен в метелке - 1581,5 и 1160,5, а урожайность зерно - 5,43 и 4,45 т/га.

Такие морфологические признаки у сортов суданской травы, как толщина стебля, количество листьев, длина и ширина листьев, длина метелки и масса 1000 семян имеют разные показатели в зависимости от генетической обособленности этих сортов. Определение характера формирования морфологических признаков и продуктивности сортов суданской травы имеет важное научное и практическое значение при выращивании их в производственных условиях юга Таджикистана, а также для ведения селекционной работы в будущем.

Ключевые слова: суданская трава, высота растений, количество листьев, длина листа, толщина стебля, масса 1000 семян, урожайность.

Annotation. The results of research (2023-2025) on the study of two varieties of Sudanese grass (*Sorghum sudanense*) in the conditions of the Farkhor district of Tajikistan (at an altitude of 350 m above sea level) are reported. The studied varieties of Sudanese grass differ significantly in morphological characteristics such as plant height, number of leaves, length and width of leaves and panicle length and yield. By the end of the growing season, the plant height of the varieties of Sudanic grass- Luck and Constance, respectively, was 275 and 296 cm, the number of grains in the panicle was 1581.5 and 1160.5, and the grain yield was 5.43 and 4.45 t/ha. Such morphological

features in varieties of Sudanese grass as the thickness of the stem, the number of leaves, the length and width of the leaves, the length of the panicle and the weight of 1000 seeds have different indicators depending on the genetic abundance of these varieties. Determining the nature of the formation of morphological features and productivity of varieties of Sudanese grass is of great scientific and practical importance when growing them in the production conditions of southern Tajikistan, as well as for conducting breeding work in the future.

Keywords: sudanese grass, plant height, number of leaves, leaf length, stem thickness, weight of 1000 seeds, yield.

Annotatsiya. Maqolada Tojikistonning Farxor tumani sharoitida (dengiz sathidan 350 m balandlikda) Sudan o'tining (*Sorghum sudanense*) ikki navi bo'yicha 2023–2025-yillarda olib borilgan tadqiqotlar natijalari bayon etilgan. Tadqiq etilgan Sudan o'ti navlari o'simlik bo'yi, barglar soni, bargning uzunligi va kengligi, ro'vak uzunligi hamda hosildorlik kabi morfologik belgilari bo'yicha bir-biridan sezilarli darajada farq qilishi aniqlandi. Vegetatsiya davri oxirida Sudan o'tining Udacha va Konstansiya navlarida o'simlik bo'yi mos ravishda 275 va 296 sm, ro'vakdagi donlar soni 1581,5 va 1160,5 tani, don hosildorligi esa 5,43 va 4,45 t/ga ni tashkil etdi.

Sudan o'ti navlarida poya qalinligi, barglar soni, bargning uzunligi va kengligi, ro'vak uzunligi hamda 1000 ta urug' vazni kabi morfologik belgilar ushbu navlarning genetik xususiyatlariga bog'liq holda turlicha ko'rsatkichlarga ega bo'ladi. Sudan o'ti navlarida morfologik belgilarning shakllanishi va mahsuldorlik xususiyatlarini aniqlash Tojikiston janubi ishlab chiqarish sharoitida ularni samarali yetishtirish, shuningdek, kelgusida seleksiya ishlarini olib borishda muhim ilmiy va amaliy ahamiyatga ega.

Kalit so'zlar: sudan o'ti, o'simlik bo'yi, barglar soni, barg uzunligi, poya qalinligi, 1000 ta urug' vazni, hosildorlik.

ВВЕДЕНИЕ

В условиях Республики Таджикистана главной проблемой сельскохозяйственной отрасли считается разработка новых способов и агроприёмов, направленных на увеличение производство продуктов питания для населения, где наблюдается более сухого климата и относительной малоземельности в республике (Агроклиматический справочник Таджикистана, 1978).

Здесь для увеличения продукции сельскохозяйственного производства важную роль играют пути интенсификации орошаемых земель посредством широкого внедрения кормовых культур из число кукурузы, сорговых культур, люцерны, топинамбура и других культур. Также не менее важным является и решение вопроса улучшения качества получаемого корма, так как в области животноводства весьма сложной остается проблема сбалансирования кормовых рационов по белку и составу незаменимых аминокислот (Хусаинов и др., 1975).

В этом отношении более целесообразными являются совместные посевы кукурузы с сорго и суданской травой, так как сорго и суданская трава в силу своих биологических особенностей обеспечивают получение второго и последующих урожаев зеленой массы за счет отрастания отавы (Хусаинов, 2003).

Суданская трава, суданка, сорго суданское (*Sorghum sudanense*), одно летнее растение из рода сорго, происходящее из Судана (отсюда её название), имеющей прямостоячие стебли, (до 1,5 м высотой, с ланцетно-линейными листьями шириной 5–20 мм). Она считается ценное сенокосное и пастбищное кормовое растение. Культивируется во многих вне-тропических странах, в т.ч. в центральных и южных районах России, где может давать по 2–3 укоса за лето. Более правильное название суданская трава – сорго Друммонда (*Sorghum drummondii*) (Агабабян, 1950; Бондаренко, 1956).

В работах (Давлетшин, 1999; Дьяченко, 2009) уста-

новлено, целенаправленности научно-практическое обоснование зонально-адаптированных технологий производства травянистых кормов и семян суданской травы, а также направлений использования культуры в системе полевого кормопроизводства юго-западной части Нечерноземной зоны Российской Федерации.

При скрещивании с зерновым сорго получают современные сорго-суданковые гибриды, превосходящие по многим показателям свои родительские формы (Бондаренко, 1956; Васько, 2006; Дьяченко, 2009).

Суданскую траву лучше всего сажать после бобовых, зернобобовых, кукурузы, многолетних трав и озимых зерновых. В среднем на гектар следует вносить 45-50 килограммов азота (N), 30-35 килограммов фосфора (P) и 35-45 килограммов калия (Агабабян, 1950; Давлетшин, 1999).

В регионах с достаточным увлажнением, для использования на зеленый корм и силос, наилучший результат дает высев смесью суданской травы (2 млн всхожих семян) и гороха (1 млн всхожих семян гороха). При высоком уровне агротехники суданская трава позволяет получать 5-10 т/га сена, 35-40 т/га зелёной массы (Агабабян, 1950; Бондаренко, 1956; Дьяченко, 2009).

В пожнивных посевах урожайность зелёной массы при орошении составляет 20,5-38,0 т/га (Волгоградского СХИ). Совместные посевы суданской травы и чины посевной давали в среднем за 3 года 26 т/га зелёной массы. В опытах НИИСХ Центрально-Чернозёмной полосы при посеве суданской травы после промежуточных озимых культур урожайность зелёной массы в среднем за 3 года была 15,8 т/га (Большая российская энциклопедия, 2016).

В условиях Гиссарской долины Таджикистана получили ценные результаты при совместном посеве кукурузы с суданской травой. Для получения высокого урожая этих совмещенных посевов рекомендован использовать среднеспелые сорта кукурузы типа

Шухрат и суданскую траву сорта Одесская-25 при оптимальной нормы внесения минеральных удобрений (Хусаинов, 2003).

Цель наших исследований заключалась в изучение особенности формирования таких важных морфологических признаков, как высота растений, количество листьев, длина и ширина листьев, толщина стебля, длина и ширина метелки, а также продуктивности у двух сортов суданской травы в условиях юга Таджикистана (Фархорский район, на высоте 350 м над уровнем моря).

МАТЕРИАЛЫ И МЕТОДЫ

В качестве материала исследования использовались 2 сорта суданской травы, семена которых в начале 2022 года были получены с Федерального государственного бюджетного научного учреждения РосНИИ суданской травы и кукурузы (ФГБНУ РосНИИСК «Россуданской травы») из города Саратова. В первый год исследований (2023 г.) семенной материал сортов суданской травы был получен из репродукции 2022 года, выращенного в лаборатории генетики и селекции растений Института ботаники, физиологии и генетики растений Национальной академии наук Таджикистана (ИБФГР НАНТ). В последующие годы (2024-2025 гг.) семена были получены из урожая сортов суданской травы, выращенного в условиях Фархорского района. Посев сортов суданской травы осуществляли весной. Схема посева была 60х15 см, при густоте стояния около 1,0 млн. растение/га.

В качестве основного удобрения перед вспашкой ежегодно вносили перепревший навоз из расчёта 10 т/га. Совместно с посевом применяли аммофос из расчёта 50 кг/га (д.в.), а также вносили две подкормки: первую – карбамидом (120 кг/га ф.в.), вторую – аммофосом (120 кг/га ф.в.) в сочетании с карбамидом (120 кг/га ф.в.).

Статическую обработку полученных научных данных осуществляли в соответствии с методикой Б.А.Доспехова (Доспехов, 1985).

В течение вегетационного периода было проведено шесть поливов с поливной нормой 400 м³/га, а суммарный расход орошаемой воды за вегетацию составил около 2400 м³/га. Агротехнические мероприятия, включая рыхление почвы и прополку сорной растительности, выполнялись вручную своевременно. В ходе исследований установлено, что растения суданской травы подвергались значительному повреждению вредителями сельскохозяйственных культур, такими как тля, паутинный клещ, трипсы и белокрылки. В целях защиты растений применяли инсектицид «Вертимек» (Абамектин) с нормой расхода 1 л/га, обработки проводили двукратно. Кроме того, отмечалось значительное поражение растений твёрдой и пыльной головней. Против этих болезней применяли фунгицид «Ерпилант» (Пенкозол, Турция) с нормой расхода 1 л/га, а также биостимулятор «Дримворк» с нормой 1,5 л/га. Эффективность применяемых обработок превышала 90%, что свидетельствует об их высокой биологической эффективности. Учёт морфологических признаков проводили в течение вегетационного периода вплоть до уборки урожая.

РЕЗУЛЬТАТЫ И ОБСУЖДЕНИЕ

Как известно, рост и развитие растений суданской травы во многом зависят от комплекса факторов, в том числе от климатических условий. Так, зима 2025 года в условиях Фархорского района Таджикистана была более холодной и суровой по сравнению с предыдущими годами. Весной 2025 года наблюдались частые и интенсивные дожди. В марте общее количество осадков составило 103 мм, вследствие чего влажность почвы была высокая. Летом и осенью отмечались пыльные бури продолжительностью от

Таблица 1.

Характеристика морфологических признаков сортов суданской травы в условиях Фархорского района Таджикистана (среднее за 2023-2025гг.).

Название сортов	Высота растений, см	Количество листьев, шт./растение	Толщина стебля, см.	Длина листа, см	Ширина листа, см
Удача	296	15,7	2,9	86	28,7
Констанция	275	10,5	3,2	74	37,0
Средняя	285,5	13,1	3	80	32,8
НСР ₀₅	3,5	0,87	0,05	2,0	1,39

Таблица 2

Характеристика показатели продуктивности сортов суданской травы в условиях Фархорского района Таджикистана (среднее за 2023-2025гг.).

Название сортов	Количество зёрен в метёлке, шт.	Длина метёлки, см	Ширина метёлки, см	Масса 1000 семян, г	Урожайность, т/га
Удача	1581,5	50,5	23	20,0	5,43
Констанция	1160,5	42,5	19	21,5	4,25
Средняя	1371,0	46,5	21	20,8	4,8
НСР ₀₅	70,17	1,33	0,67	0,25	0,20

5 до 15 дней. Максимальная температура воздуха в июле достигла более 45°С.

Как показали наши исследования сорта суданской травы в условиях эксперимента в зависимости от их генетической особенности имеют разные показатели по ряду морфологических признаков (таблица 1).

Согласно данным таблицы 1 высота растений у суданской травы у сортов Удача и Констанция соответственно была 296 и 275 см, а в среднем по двум сортам длина стебля составила 285,5 см.

Сорт Удача по признакам количество листьев и длина листьев имеет более высокие показатели, нежели сорту Констанция, а по признакам толщину стебля и ширину листьев преимущество имел сорт Констанция.

По показателями признаков, характеризующих продуктивности сортов суданской травы, таких, как количество зёрен в метёлке, длины и ширины метёлки, масса 1000 зёрен и урожайности наблюдается также существенное различие между сортами (таблица 2).

Данные таблицы 2 показывают, что количество зёрен в метёлке у сорта Удача в среднем составила 1581,5 шт., что на 421 шт. (или на 36,78%) больше, чем сорт Констанция.

В среднем в одной метёлке у обоих сортов суданской травы количество зёрен составляет 1371 шт.

Сорт Удача также имеет лучшие показатели по

сравнению с сорта Констанция по признакам длина и ширина метёлки. Этот сорт по урожайности превышает сорту Констанция на 1,18 т/га (или на 26,52%).

Таким образом, в условиях жаркого климата юга Таджикистана сорт суданской травы Удача имеет лучшие показатели по многим морфологическим признакам, а также по урожайности зерно, чем сорт Констанция.

ЗАКЛЮЧЕНИЕ

Проведенные нами исследования показали, что в условиях Фархорского района в юге Таджикистана (на высоте 350 м над уровнем моря) сорта суданской травы при проведении их в весеннем сроке сева хорошо растут, развиваются, формируют хорошую биологическую массу и урожая зерно.

Такие морфологические признаки у сортов суданской травы, как высота растений, количество листьев, длина и ширина листьев и длина метёлки, масса 1000 зерно и урожайность имеют разные показатели, что связано с их генетической особенностью. Определение степени варьирования морфологических признаков и продуктивности среди сортов суданской травы имеет важное научно-практическое значение при их выращивании в производственных условиях юга Таджикистана и выполнения селекционных работ в будущем.

СПИСОК ЛИТЕРАТУРЫ

1. Агабабян Ш. М. Кормовые растения сенокосов и пастбищ СССР : в 3 т. / под ред. И. В. Ларина. — М. ; Л.: Сельхозгиз, 1950. — Т. 1 : Споровые, голосеменные и однодольные. — С. 196–203.
2. Агроклиматический справочник Таджикистана. - Душанбе: Дониш, 1978. 232 с.
3. Бондаренко В.М. О биологических и хозяйственных свойствах суданской травы в условиях Омской области // Н.Р. СибНИИСХОЗ.-1956.-№3.-С.89-101.
4. Васью В. Т. Кормовые культуры России. — СПб., 2006. — С. 104—108. — 328 с.
5. Давлетшин Т. З. Агробиологические особенности возделывания сахарного сорго и суданской травы в Закамье Татарстана. Автореф. док. сель.наук. Саратов, 1999. 48с.
6. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. Москва, 1985.- 365 с.
7. Дьяченко, Владимир Викторович. Автореф. док. дисс. сель. наук. «Научное сопровождение возделывания суданской травы в юго-западной части Нечерноземной зоны». Брянск, 2009 . 48с.
8. Суданская трава. М.: Большая российская энциклопедия, 2016. / Гл. ред. Ю. С. Осипов/. С. — 384. ISBN 978-5-85270-368-2.
9. Хусаинов А.Х., Каримов З.К., Муратов В.Х. Возделывание кукурузы, сорго и суданской травы на орошаемых землях // Увеличение производства кормов на орошаемых и богарных землях и улучшение их качества (Тезисы докл.).-Душанбе, 1975.-С. 16-18.
10. Хусаинов А.Х. Научные основы интенсификации орошаемого полевого кормопроизводства в условиях Таджикистана. Автореф. док. диссер. сель. наук. Душанбе, 2003.48с.

Сведения об авторах:

Бобоев Абдумусобир Абдулфайзович – кандидат сельскохозяйственных наук, доцент Дангаринского государственного университета. 735320, Республика Таджикистан, Дангаринский район, ул. Маркази, 25. Email: boboevabdulmusobir@gmail.com, тел. 907806008.

Партоев Курбонали – доктор сельскохозяйственных наук, заведующий лабораторией генетики и селекции растений Института ботаники, физиологии и генетики растений НАНТ, 734017, г. Душанбе, ул. Карамова, 27. SPIN-код:3569-1238, <https://orcid.org/0000-0001-9320-3023>, Тел.: (+992)918649505; E-mail: pkurbnali@mail.ru

ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ

УЎК: 632.651:547.995.15:57.085

ЎЗБЕКИСТОНДА *MELOIDOGYNE* GÖELDI, 1887 АВЛОДИ
НЕМАТОДАЛАРИ ВА УЛАРДАН ЎСИМЛИКЛАРНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ УСУЛЛАРИНЕМАТОДЫ РОДА *MELOIDOGYNE* GOELDI, 1887 В
УЗБЕКИСТАНЕ: РАСПРОСТРАНЕНИЕ, ВИДОВОЙ СОСТАВ И
ПЕРСПЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ЗАЩИТЫ РАСТЕНИЙROOT-KNOT NEMATODES (*MELOIDOGYNE* GOELDI, 1887)
IN UZBEKISTAN: DISTRIBUTION, SPECIES DIVERSITY, AND
PROMISING PLANT PROTECTION STRATEGIES

*Асракулова Дилором Ибрагимовна, кичик илмий ходим

*Рашидова Сайёра Шарафовна, кимё фанлари доктори, академик

**Эшова Ҳолиса Саидовна, биология фанлари бўйича фалсафа доктори

***Шомирзаев Аслиддин Авазович, таянч докторант

*Асракулова Дилором Ибрагимовна, младший научный сотрудник

*Рашидова Сайёра Шарафовна, доктор химических наук, академик

**Эшова Холиса Саидовна, доктор философии по биологических наук

***Шомирзаев Аслиддин Авазович, базовый докторант

*Asrakulova Dilorom Ibragimovna, Junior Researcher

*Rashidova Sayyora Sharafovna, Doctor of Chemical Science, Academician

**Eshova Kholisa Saidovna, Doctor of Philosophy in Biological Sciences (PhD)

***Shomirzoyev Asliddin Avazovich, PhD Student

*ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институти, Ўзбекистон

**Ўзбекистон Миллий Университети, Ўзбекистон

***Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон

*Институт химии и физики полимеров АН РУз, Узбекистан

**Национальный университет Узбекистана, Узбекистан

***Ташкентский государственный аграрный университет, Узбекистан

*Institute of Polymer Chemistry and Physics, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan

**National University of Uzbekistan

***Tashkent State Agrarian University, Uzbekistan

Аннотация. Мақолада ўсимликларни ҳимоя қилишда *Meloidogyne* Göeldi, 1887 авлоди нематодаларига қарши биомолекулалар ҳосилаларига асосланган полимер таркибли препаратлардан фойдаланишнинг истиқболли йўналишлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ўсимлик мелойдогинозига қарши тут ипак қурти ғумбаги - *Bombyx mori* хитозани асосидаги препаратлар - купрумхит (ХЗ:Cu^{2+}), УЗХИТАН ва наноаскорбатхитозан (NAXZ) синовдан ўтказилган. Ўсимликларга хитозан асосидаги препаратлар билан ишлов берилганда бўртма нематодаларининг морфо-физиологик жиҳатдан ўзгарганлиги (уларнинг тана ўлчами кичиклашган ва серпуштлиги камайган) ўсимлик илдизларини нематода билан зарарланиши (илдизда бўртмаларнинг сони бўйича) камайганлиги қайд этилган. Ҳосилдорлик бўйича дала шароитида нематодалар билан зарарланган помидорга препаратлар билан ишлов берилганда УЗХИТАНда 21,4 - 31,3%, купрумхитда 30,0 - 40,2%, наноаскорбатхитозанда 17,6% га ҳосилдорлик ортганлиги кузатишган. Иссиқхона шароитида

помидор ҳосилдорлиги УЗХИТАНда 43,5%, купрумхитда 52,0%, бодринг ҳосилдорлиги мос равишда 44,7%, 47,6% га ортанлиги кузатилган. Препаратларнинг самардорлиги қиёсий таҳлил қилинганда, купрумхит ва наноаскорбатхитозан УЗХИТАНга нисбатан юқори самарадорликка эга эканлиги аниқланган.

Калит сўзлар. *Meloidogyne* Göeldi, 1887 авлоди нематодалари, ўсимликларни ҳимоя қилиш, мелойдогиноз, тарқалиши, хитозан асосидаги препаратлар - купрумхит (ХЗ:Cu^{2+}), УзХИТАН, наноаскорбатхитозан (НАХЗ).

Аннотация. В статье представлены результаты исследований перспективных направлений применения полимерных препаратов на основе биомолекулярных производных для защиты растений от галловых нематод рода *Meloidogyne* Göeldi, 1887. В качестве нематодцидных средств были испытаны препараты на основе хитозана, полученного из куколок тутового шелкопряда *Bombyx mori*: Купрумхит (ХЗ^{+}), УзХИТАН и Наноаскорбатхитозан (НАХЗ). Установлено, что обработка растений хитозансодержащими препаратами вызывала морфологические изменения у галловых нематод, выражающиеся в уменьшении размеров тела и снижении их плодовитости. Одновременно отмечалось снижение степени поражения корневой системы растений, что проявлялось уменьшением количества галлов на корнях. В полевых условиях обработка томатов, поражённых нематодами, способствовала повышению урожайности на 21,4–31,3 % при применении УзХИТАНа, на 30,0–40,2 % при использовании Купрумхита и на 17,6 % при использовании Наноаскорбатхитозана. В тепличных условиях урожайность томата увеличивалась на 43,5 % и 52,0 % при применении УзХИТАНа и Купрумхита соответственно, тогда как урожайность огурца возрастала на 44,7 % и 47,6 %. Сравнительный анализ эффективности препаратов показал, что Купрумхит и Наноаскорбатхитозан обладают более высокой нематодцидной активностью по сравнению с УзХИТАНом. Полученные результаты свидетельствуют о перспективности применения препаратов на основе хитозана *Bombyx mori* в интегрированных системах защиты растений от мелойдогиноза.

Ключевые слова: *Meloidogyne* spp., галловые нематоды, *Meloidogyne* Göeldi, 1887, мелойдогиноз, защита растений, распространение нематод, препараты на основе хитозана, Купрумхит (ХЗ:Cu^{2+}), УзХИТАН, наноаскорбатхитозан (НАХЗ), *Bombyx mori*, нематодцидная активность, устойчивое сельское хозяйство.

Abstract. This study presents the results of research on the potential application of polymer-based formulations derived from biomolecular compounds for the management of root-knot nematodes of the genus *Meloidogyne* Göeldi, 1887. Chitosan-based preparations obtained from silkworm (*Bombyx mori*) pupae, including Cuprumchit (ChS:Cu^{2+}), Uzkhitan, and Nanoascorbate Chitosan (NAC), were evaluated for their nematocidal activity. Treatment with chitosan-based formulations induced significant morphophysiological alterations in root-knot nematodes, including reduced body size and decreased fecundity. In addition, a substantial reduction in root infection was observed, as evidenced by a lower number of galls formed on plant roots. Under field conditions, the application of the tested formulations to nematode-infected tomato plants increased yield by 21.4–31.3% with Uzkhitan, 30.0–40.2% with Cuprumchit, and 17.6% with Nanoascorbate Chitosan. Under greenhouse conditions, tomato yield increased by 43.5% and 52.0% following treatment with Uzkhitan and Cuprumchit, respectively, while cucumber yield increased by 44.7% and 47.6%. Comparative evaluation revealed that Cuprumchit and Nanoascorbate Chitosan exhibited higher efficacy against *Meloidogyne* spp. than Uzkhitan. The findings demonstrate the potential of *Bombyx mori*-derived chitosan formulations as environmentally friendly and effective components of integrated management strategies against root-knot nematodes.

Keywords: *Meloidogyne* spp., *Meloidogyne* Göeldi, 1887, root-knot nematodes, meloidogynosis, plant protection, nematode distribution, chitosan-based formulations, Cuprumchit (ChS:Cu^{2+}), Uzkhitan, nanoascorbate chitosan (NAC), *Bombyx mori*, nematocidal activity, sustainable agriculture.

КИРИШ

Дунё бўйича глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги, ноқулай об-ҳаво шароити, тупроқнинг шўрланиши ва унумдорлигининг пасайиши, минерал ўғитларнинг нисбатига риоя этмаслик, касаллик ва зараркундалар таъсирида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосили камайиб бормоқда. Паразит фитонематодалар дунёда ўсимликлар учун энг катта таҳдидлардан бири сифатида тан олинган, уларнинг зарари таъсирида ҳар йили дунё бўйича 80 -125 миллиард долларлик ҳосилни йўқ бўлишига олиб келади (Gregory et. al., 2017). *Meloidogyne* Göeldi, 1887 авлоди нематодалари маданий ўсимликларга зарар етказадиган паразит фитонематодаларнинг иқтисодий жиҳатдан энг муҳим авлодларидан бири ҳисобланади (Вайшер, Браун,

2001). Илдиз бўртма нематодалари (*Meloidogyne* Göeldi, 1887 авлоди) табиатда кенг тарқалган бўлиб, деярли барча экин турларида учрайди ва ўсимлик хўжайинларига таъсири жуда катта (Manzoor et. al., 2022). Мазкур авлод нематодаларининг тарқалиш майдони йилдан йилга кенгайиб, мелойдогинознинг ўсимликларга зарари ортиб бормоқда. Шунга кўра, *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг маълум бир ҳудудларда тур таркиби ва экологиясини тадқиқ этиш ўсимлик мелойдогинозини олдини олиш ва унга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишда муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ҳозирги кунда *Meloidogyne* авлоди бўртма нематодаларидан ўсимликларни ҳимоя қилишда экологик хавфсиз, юқори самарадорликка эга замонавий усул-

ларга талаб ортиб бормоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, паразит ва унинг ҳўжайини биоценоз аъзоси сифатида бир хил ва уларнинг ҳар бири ўзига хос муайян хусусиятга эга. Экосистемаларнинг турғунлигига таъсир этмаган ҳолда паразит келтирадиган зарарни максимал даражада чеклашга доир тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда. Бу борада ўсимликларни ҳимоя қилишда *Meloidogyne* авлоди нематодаларига қарши биомолекулалар ҳосилаларига асосланган полимер таркибли препаратлар, жумладан хитозан асосидаги препаратларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

Ер юзида *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг 97 тури маълум (Казаченко, Мухина, 2013). Ўзбекистонда мазкур авлод нематодаларининг беш тури - *Meloidogyne incognita*, *M. javanica*, *M. arenaria*, *M. acrita*, *M. hapla* учрайди (Мавлянов, 1987; Хуррамов, Хуррамов, 2001).

Ўзбекистоннинг географик жойлашуви ва тупроқ иқлим шароитларида бўртма нематодаларнинг паразитлик хусусиятлари кўпроқ намоён бўлади. Республиканинг турли ҳудудларида маданий ва ёввойи ўсимликларда мелойдогинларнинг биологияси, тарқалиши ва зарари кенг миқёсда ўрганилган, уларга қарши кураш чоралари ишлаб чиқилган. Бироқ, токсик бўлмаган препаратлардан фойдаланиб нематодалар зарарини камайтириш масалалари деярли ўрганилмаган. Шунинг учун Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида *Meloidogyne* Gøeldi, 1887 авлоди нематодаларининг тарқалишини тадқиқ этиш асосида ўсимлик мелойдогинозига қарши биомолекулалар ҳосилаларига асосланган полимер таркибли препаратлар – УЗХИТАН, купрумхит (ХЗ:Cu^{2+}), наноаскорбатхитозан (NAXZ) нинг самарадорлигини илмий асослаш мақсад қилиб олинди.

МАТЕРИАЛЛАР ВА УСЛУБЛАР

Тошкент вилояти Чиноз, Зангиота, Паркент, Қуйи Чирчиқ, Қибрай, Бўка туманлари ҳамда Тошкент шаҳридаги турли ҳудудлардан нематодалар билан зарарланган маданий ва ёввойи ўсимликлар йиғилди. Шунингдек, иссиқхоналарда етиштирилган экинлардан ҳам материаллар йиғилди. Дала шароитида кузатувлар бўртма нематодаларни аниқлаш тавсияси бўйича маршрут усулида олиб борилди (Симекаленова, 1964; Кирьянова, Кралль, 1969). Нематодаларни ўсимлик илдизи ва тупроқдан ажратиб олиш ўзгартирилган Берман воронкаси ва илдизни инкубация қилиш усуллари ёрдамида ўтказилди (Perry, et. al., 2009; Senthilkumar, et. al., 2020). Ўсимликларнинг нематодалар билан зарарланиш даражасини баҳолаш учун мелойдогиноз инвазиясини тарқалиши ҳамда ўсимлик илдизининг зарарланиш интенсивлиги беш балли тизим билан аниқланди (Кирьянова, Кралль, 1969). Бўртма нематодаларнинг тур таркибини аниқлаш учун уларнинг жинсий етилган урғочилари танасининг перианал қисмидан препаратлар Е.С.Кирьянова ва Э.Л.Кралль усули ёрдамида тайёрланди (Кирьянова,

Кралль, 1969).

Ўсимлик мелойдогинозига қарши ЎзР ФА Полимерлар кимёси ва физикаси институтида синтез қилинган хитозан асосидаги препаратлардан УЗХИТАН, Купрумхит (ХЗ:Cu^{2+}), наноаскорбатхитозан (NAXZ) олинди.

M. incognita нематодаси инвазион личинкаларга хитозан асосидаги препаратларнинг нематодид таъсири юзасидан лаборатория тажриба ишлари В.Б.Удалова ва бошқалар, М.С.Кхалил, М.Е.И.Бадаву, А.Н.Конрат ва бошқалар, Г.Ўздемёр ва бошқалар усуллари асосида ўтказилди (Удалова ва бошқ., 2010; Кхалил, Бадаву, 2012; Конрат ва бошқ., 2021; Ўздемёр ва бошқ., 2022). Препаратларнинг биологик самарадорлигини аниқлаш W. Abbott формуласи ёрдамида, К.А.Гар, Ш.Т.Хўжаев ва бошқалар усуллари асосида амалга оширилди (Abbot, 1925; Гар, 1974; Хўжаев ва бошқ., 2023). Тажрибаларни ўтказишда Ш.Т.Хўжаев ва бошқаларнинг “Инсектицид, акарицид, биологик фаол моддалар ва фунгицидларни синаш бўйича услубий кўрсатмалар” қўлланмаси бўйича олиб борилди (Хўжаев ва бошқ., 2023). Биологик ва кимёвий ҳимоя қилиш воситаларини ҳўжалик ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш тажрибани назоратга нисбатан таққослаб ўтказилди.

Ўсимлик мелойдогинозига қарши хитозан асосидаги препаратларнинг самарадорлигини илмий асослаш мақсадида препаратларни синаш учун кичик дала майдонлари ва иссиқхоналарда тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Дала тажрибалари Тошкент вилоятининг турли ҳўжаликларида *Meloidogyne incognita* билан табиий зарарланган помидор майдонларида уч такрорда ўтказилди. Тажриба схемасига назорат (ишлов берилмаган), УЗХИТАН (110,3 л/га), Купрумхит (ХЗ:Cu^{2+} , 90,3 л/га) ва айрим тажрибаларда наноаскорбатхитозан (NAXZ, 90,3 л/га) вариантлари киритилди. Экишдан олдин бутун тажриба майдони бўйича маршрут усулида композит тупроқ намуналари олиниб, 100 см³ тупроқдаги *Meloidogyne* spp. личинкалари сони (Pi) аниқланди. Бу кўрсаткич тажриба майдонининг бошланғич фитосанитар ҳолатини баҳолаш учун қўлланилди. Тажриба давомида препаратлар белги-ланган сарф меъёрларида қўлланилди. Ҳосил йиғиб олингандан сўнг ҳар бир вариантда 100 см³ тупроқдаги личинкалар сони (Pf), илдизларнинг зарарланиш даражаси (5 балли шкала бўйича) ва ҳосилдорлик аниқланди. Биологик самарадорлик Abbott формуласи асосида ҳисобланди. Натижалар уч такрорнинг ўртача қиймати сифатида тақдим этилди.

НАТИЖАЛАР ВА МУНОЗАРА

Meloidogyne Gøeldi, 1887 авлоди нематодалари маданий ўсимликлар учун энг хавфли фитопаразитлардан бири ҳисобланади. Илдиз бўртма нематодалари (*Meloidogyne* spp.) очик ва иссиқхона шароитида ўсимлик илдиз тизимини шикастлаб, озуқа элементларининг ўзлаштирилишини чеклайди ҳамда турли

хил экинларда ҳосилдорликнинг 25–40 % гача камайишига олиб келади (Collangea et al., 2011). Дунёда илдиз бўртма нематодаларининг энг кенг тарқалган турлари - *Meloidogyne javanica*, *Meloidogyne arenaria*, *Meloidogyne incognita*, *Meloidogyne hapla* ҳисобланади (Collangea et al., 2011). Ер юзида бўртма нематодаларнинг тарқалишига кўра, *Meloidogyne incognita* 52 %, *Meloidogyne javanica* 31 %, *Meloidogyne arenaria* 8 %, *Meloidogyne hapla* 7 %, бошқа турлари 2 % майдонни ташкил этади (Васюкова ва бошқ., 2009).

Мазкур турлар Ўзбекистон шароитида ҳам кенг тарқалган турлардир (Eshova, 2016). Ўзбекистонда дала ва иссиқхоналардаги экинларда *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг турлари ривожланиб, етиштирилаётган ҳосилнинг сифати ва миқдори зарар етказётганлиги кузатувларда маълум бўлди. Бўртма нематодаларнинг тарқалиши, тур таркиби дала шароитида ва иссиқхоналарда бир хил эмас. Баъзи ҳудудларда *Meloidogyne arenaria* тарқалган бўлса, аксинча бошқа ерларда *Meloidogyne incognita* ва бошқа турлари тарқалган. Нематодаларнинг экинларни зарарлаш даражасининг ортишини олдини оладиган, уларнинг миқдорини экинлар ҳосилига зарар етказмайдиган ҳолатда сақлаб турадиган омиллардан бири бу паразитлар тарқалган ёки тарқалиши мумкин бўлган ҳудудларда уларнинг тур таркибини ва экологиясини ўрганишдир. Республиканинг турли ҳудудларида *Meloidogyne* авлоди нематодаларининг тарқалишини тадқиқ этиш натижасида турли қишлоқ хўжалик экинлари ва ёввойи ўсимликларнинг илдиз бўртма нематодалари билан зарарланганлиги ва мелойдогинларнинг янги ўчоқлари қайд этилди.

Кузатувлар натижаси шуни кўрсатдики, *M. incognita* бўртма нематодаси дала ва иссиқхона шароитида сабзавот ҳамда полиз экинларини кўплаб зарарлаши, илдизларда йирик бўртмаларни ҳосил қилади (Мавлянов, 1987). Тадқиқотларда бу тур Тошкент вилояти ҳудудларида лавлаги, бодринг, ошқовоқ, кунгабоқар, помидор ва бақлажон илдизларида *M. arenaria* билан биргаликда учради. Паркент ва Чиноз туманларидаги помидор, бодринг, кунгабоқар, беда, мош, нўхат ўсимликларининг зарарланганлиги, зарарланган майдонларда ўсимликларнинг зарарланиши 28-35% гача, илдизнинг зарарланиш даражаси 2-3 баллни ташкил этди. Бўртма нематода турлари турли ўсимлик илдизларида турли хил ўлчамдаги бўртмаларни ҳосил қилганлиги кузатилди. Масалан, *M. javanica* ва *M. arenaria* ўсимлик илдизларда бир қатор йирик бўртмаларни ҳосил қилса, *M. incognita* бир неча қатор бир-бирига қўшилиб кетган йирик бўртмаларни ҳосил қилганлиги кузатилди. *M. incognita* таъсирида маккажўхори ва бошқа дон экинлари илдизида кичик-кичик бўртмалар ҳосил бўлганлиги аниқланди. *M. hapla* помидор, карам, шивит, редиска каби ўсимликларнинг илдизларида кичик бўртмалар, *M. acrita* зарарланган илдизларда нисбатан йирик, бир

неча қатор бўртмаларни ҳосил қилганлиги кузатилди. Нематодалар таъсирида ўсимлик илдизларида ҳосил бўлган бўртмаларнинг сони ва турли ўлчамда бўлиши нематода тури ва уларнинг ўсимлик-хўжайинларига боғлиқ деб изоҳлаймиз.

Бугунги кунда дунё бўйича қишлоқ хўжалиги амалиётида хитозан асосидаги препаратлар нематода, илдиз ва поя чириши, фузариоз замбуруғи, занг касалликларининг олдини олиш ва даволашда, биостимулловчи препаратлар сифатида, шунингдек, ўсимлик организми ҳимоя реакцияларининг индукторлари сифатида кенг ишлатилади (Удалова ва бошқ., 2010; Zinov'yeva ва бошқ., 2016; Boppre, Colegate, 2015; Fan ва бошқ., 2022; Mouniga ва бошқ., 2023).

Ўсимликларни ҳимоя қилишда *Meloidogyne* авлоди нематодаларига қарши хитозан асосидаги препаратларнинг самарадорлиги тажрибаларда синалган (Зиновьева ва бошқ., 2013; 2013). Хитозан ўсимликларнинг турли патогенларга, жумладан, паразит нематодаларга қарши самарали биопестицид сифатида қўлланилади (Антон ва бошқ., 2023). Хитозан ўзининг функционал тузилиши, яъни фунгицид, микробларга қарши биофаол хусусиятлари, осон модификациялаш имконияти ва биодеградация жарёнида тупроқда осон парчаланиш афзалликларга эга (Boppre, Colegate, 2015; Du et al., 2019). Баъзи тадқиқотларда хитозаннинг ўсимлик паразит нематодларига қарши фаоллиги тасдиқланган (Ozdemir ва бошқ., 2022; Fan ва бошқ., 2022).

Ўзбекистонда ўсимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари сифатида илк бор полимер препаратив шаклини яратиш, полимерларнинг қишлоқ хўжалигида паразит бўртма нематодаларга қарши курашнинг аҳамияти очиб берилган (Рашидова ва бошқ., 2010).

Илк бор тут ипак қурти ғумбаги - *Bombyx mori* асосида биологик фаол полимерлар синтез қилинган ва улардан қишлоқ хўжалигида фойдаланиши мумкин бўлган бир қатор биологик фаол хитазан таркибли полимер препаратлар (УЗХИТАН ва бошқ.) яратилган (Рашидова ва бошқ., 2020).

Тадқиқотларда бўртма нематодаларини зарарини камайтиришда ва ўсимлик мелойдогинозига қарши курашда айнан атроф муҳит учун безарар бирикмалар сифатида маҳаллий *Bombyx mori* хитозани асосидаги препаратларни қўллашни мақсадга мувофиқ деб топилди. Бунинг учун ўсимлик мелойдогинозига қарши дала ва иссиқхона шароитида хитозан асосидаги препаратларни қўллашга доир тадбирлар ўтказилди.

Маълумки, хитозаннинг нематодит (нематодаларнинг ҳаёт фаолиятига тўсқинлик қилувчи, уларни йўқ қилувчи ёки уларнинг кўпайишини тўхтатувчи кимёвий ёки биологик модда) ёки нематостатик (асосан паразитларнинг ҳаёт цикллари бузиш ёки ўсишини ва кўпайишини камайтириш учун ишлатилади) ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасида исботлан-

ган. Хитинли воситаларни (шу жумладан, хитозан) бўртма нематодалар *Meloidogyne incognita* (Khalil, Badawy, 2012; Ozdemir ва бошқ., 2022), *Meloidogyne javanica* (Mukarram ва бошқ., 2023), шунингдек, ғўза ўсимлигида паразитлик қилувчи *Heterodera glycines* (Симекаленова, 1964; Mukarram ва бошқ., 2023) нематодаларининг турли (тухумларининг ривожланиши ва личинкаларининг ҳаётчанлигини сусайтириш) фазаларида таъсир механизмлари ўрганилган. Бизнинг тадқиқотларимизда ҳам хитозан асосидаги препаратларнинг нематоцит хусусияти аниқланди ва бундан сўнг препаратларнинг самарадорлигини аниқлаш учун тажрибалар *Meloidogyne incognita* нематодаси билан зарарланган помидор ва бодрингда олиб борилди. Препаратларнинг бўртма нематодаларининг морфофизиологик ҳолатига (нематодаларнинг ўлчамларини пасайиши ва серпущлигига) ва ўсимликларни нематода билан зарарланиши (илдиздаги бўртмалар сони бўйича)га таъсири аниқланди.

Иссиқхона шароитида бўртма нематодаларининг зарарини камайтириш бўйича тажрибалар Тошкент вилояти Чиноз тумани «Усмон Носир» МФЙ қарашли *Meloidogyne incognita* нематодаси билан кучли зарарланган помидор ва бодринг экинларида олиб борилди. Мелойдогинозга қарши қўллаш учун УЗХИТАН ва купрумхит препаратлари олинди. Препаратларнинг самарадорлигини аниқлаш учун тажрибани қўйишдан олдин ва кейин (назорат варианты билан биргаликда) ўсимлик илдизининг муайян ҳажмдаги бўртмалардаги ва 100 см³ тупроқдаги личинкалар сони ҳисобга олин-

ди.

Дала тажрибалари 2021-2025 йилларда Тошкент вилоятининг тўрт хил хўжалигида - Чиноз тумани «Дил Гиё Файз» фермер хўжалиги ва «Зоирбек ота» МЧЖ (2024 й.), Паркент тумани «Муҳаммад Қорақалпоқ» фермер хўжалиги ва Занги Ота тумани «Фирдавс Агро» фермер хўжалиги (2025 й.) — *Meloidogyne incognita* билан табиий зарарланган помидор майдонларида уч такрорда, апрель–июнь ойларида, 1,0–2,0 гектар майдонда амалга оширилди. Тажриба схемасига назорат (ишлов берилмаган), УЗХИТАН (110,3 л/га) ва купрумхит (ХЗ:Cu²⁺, 90,3 л/га) вариантлари барча тўрт хўжаликда, наноаскорбатхитозан (NAXZ, 90,3 л/га) эса қўшимча вариант сифатида «Муҳаммад Қорақалпоқ» фермер хўжалигида синалди. Экишдан олдин ва ҳосил йиғиштиришдан сўнг 100 см³ тупроқдаги *Meloidogyne* spp. личинкалари сони (мос равишда Рi ва Рf) ҳамда илдизнинг зарарланиш даражаси (0–5 балли шкала) аниқланди. Хўжаликларда олиб борилган тадқиқотлар 2024–2025 йиллар бўйича умумлаштирилган ҳолда 1-жадвалда келтирилди.

1-жадвалдан кўриниб турибдики, барча хўжаликларда назорат вариантыда илдизнинг зарарланиши яъни личинкалар миқдори ортиб галл индекси 3,5–4,0 баллни ташкил этган бўлса, препаратлар билан ишлов берилган вариантларда бу кўрсаткич сезиларли даражада пасайган — купрумхит қўлланилган вариантларда энг паст қиймат (0,8 балл), «Муҳаммад Қорақалпоқ» ва «Фирдавс Агро» хўжаликларида қайд этилди. Ҳосил йиғиштиришдан

1-жадвал

Помидор мелойдогинозига қарши хитозан асосидаги препаратларни қўллаш самарадорлиги (2024–2025 йй., тўрт хўжалик бўйича умумлаштирилган маълумотлар)

Йил	Хўжалик	Вариант	Сарф меъёри (л/га)	Ишловдан олдин нематода сони Рi (J2/100 см ³ тупроқ)	Ишловдан кейин нематода сони Рf (J2/100 см ³ тупроқ)	Илдиз галл индекси (0–5 балл)
2024	Дил Гиё Файз Барака	Назорат	-	78	333	4,0
		УЗХИТАН	110,3	78	127	2,7
		Купрумхит	90,3	78	105	1,0
2024	Зоирбек ота	Назорат	-	50	293	3,5
		УЗХИТАН	110,3	50	81,6	2,2
		Купрумхит	90,3	50	60	1,6
2025	Муҳаммад Қорақалпоқ	Назорат	-	75	295	4,0
		УЗХИТАН	110,3	75	80	1,2
		Купрумхит	90,3	75	42	0,8
2025	Фирдавс Агро	Назорат	-	75	298	4,0
		УЗХИТАН	110,3	75	90	3,4
		Купрумхит	90,3	75	72	0,8

Изоҳ: Рi - экишдан олдин 100 см³ тупроқда аниқланган *Meloidogyne incognita* нинг бошланғич популяцияси; Рf - ҳосил йиғишдан олдин аниқланган якуний популяция. Жадвалда келтирилган барча қийматлар ҳар бир тажриба участкаси бўйича уч такрор натижаларининг ўртача қиймати (Mean) ҳисобланади. Такрорлар бўйича алоҳида қийматлар сақланмаганлиги сабабли Mean ± SD кўрсатилмаган. Биологик самарадорлик ва ҳосилдорлик натижалари алоҳида график (1- ва 2-расм)ларда келтирилган.

олдин 100 см³ тупроқдаги нематода личинкалари сони (Pf) назорат вариантида 293–333 донани ташкил этган бўлса, купрумхит вариантида бу кўрсаткич 42-105 донагача, УЗХИТАН вариантида эса 80-127 донагача камайганлиги аниқланди. “Муҳаммад Қорақалпоқ” фермер хўжалигида синалган наноаскорбатхитозан (NAXZ) препарати таъсирида Pf кўрсаткичи 56 донани, илдизда галл индекси эса 1,8 баллни ташкил этди.


Препаратларнинг биологик самарадорлиги назоратга нисбатан личинкалар миқдорининг камайиши, Abbott формуласи бўйича ҳисобланган (1-расм). Тўрт хўжалик бўйича қиёсий таҳлил натижасида купрумхит энг юқори самарадорликка эга бўлганлиги (79,6–87,4%) аниқланди, УЗХИТАН эса 61,9–80,5% оралиғида самарадорлик кўрсатди. “Муҳаммад Қорақалпоқ” фермер хўжалигида синалган наноаскорбатхитозан (NAXZ) препарати 82,6% самарадорликни намоён этиб бу кўрсаткич УЗХИТАНдан юқори, лекин купрумхитдан биров паст бўлиши аниқланди.

Кроталария гектарига 8,0 кг меъёрда экилганда биологик препарат қўлланилмаган назорат вариантда 0-30 см тупроқ қатламида гумус миқдори 0,8806 % бўлиб, биологик препаратлар қўлланилган вариантларда 0,8804-0,8803% бўлган ҳолда назорат вариантыга нисбатан биологик препаратлар қўлланилган вариантларда озика моддаларининг ўзлаштирилиши биров кўпроқ бўлди. Яъни, барча экиш меъёрларида вариантлар кесимида гумусдан 0,0002-0,0004 %, азотдан 0,0002-0,0004 %, фосфордан 0,0003-0,0005% гача кўпроқ фойдаланди.

Шунингдек, экиш меъёри ошиши билан ўсимликларнинг озиқа моддаларидан фойдаланиши ҳам ошиб борди. Масалан, кроталария гектарига 8,0 кг меъёрда экилганда 0-30 см тупроқ қатламида гумус миқдори 0,8806-0,8803 %, 12,0 кг экилганда 0,8775-0,8770 %, 16,0 кг экилганда 0,8759-0,8753 % бўлиб, экиш меъёри ошиши билан гумусдан фойдаланиши 0,0031-0,0053 % гача ошиб борганлиги кузатилди (жадвал).

Агрокимёвий маълумотларга кўра, ўсимликлар томонидан тупроқда асосан озиқа элементларининг ҳаракатчан шакллари ўзлаштирилади ва тупроқнинг агрокимёвий ҳолати ҳам шулар асосида баҳоланади. Шу билан бирга тупроқда озиқа элементларининг юқори ёки пастга ўзгариши маъдан ўғитлар қўллаш муддат ва меъёрларига, нав хусусиятлари, экиш меъёрига, биологик препаратлар қўлланилишига ва бошқа омилларга боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Амал даври охирига келиб, озиқа моддаларнинг ҳаракатчан шакллари бўйича олинган маълумотларга қараганда тупроқнинг ҳайдов қатламида нитратли азот миқдори 14,47-1537 мг/кг ни, ҳайдов ости қатламида эса 7,665-7,718 мг/кг оралиғида бўлиб, мавсум бошига нисбатан ҳайдов қатламларида 1,37-2,27 мг/кг ва ҳайдов ости қатламда 0,365-0,418 мг/кг га кўпайганлиги кузатилди. Ҳаракатчан фосфор миқдори тегишлича 24,88-25,17 мг/кг ва 16,29 – 16,69 мг/кг оралиғида бўлганлиги аниқланган бўлса, ал-

машинувчи калий миқдори эса тупроқнинг 0-30 см қатламида 194,0-197,2 мг/кг ни, 30-50 см қатламида эса 171,9-174,5 мг/кг бўлиб, мавсум бошига нисбатан ҳаракатчан фосфор 1,18 – 1,47 мг/кг ва алмашинувчи калий эса 7,0-10,2 мг/кг га кўпайди.

Амал даври охирида 0-30 см тупроқ қатламидаги нитратли азот миқдори биологик препаратлар қўлланган вариантларда 0,10-0,33 мг/кг га кўпроқ учради. Чунки биологик препаратлар қўлланилганида туганак бактериялар назорат вариантыга нисбатан эртароқ ва кўпроқ ҳосил бўлиб, тупроқда биологик азот нисбатан кўпроқ учрайди, биологик препаратлар фосфорни олиш даражасини 20-25% га оширади. Шунингдек, экиш меъёри ошиб бориши билан нитратли азот миқдори ҳам 0,30-0,62 мг/кг гача ошиб борганлиги аниқланди. Тупроқнинг 30-50 см қатламида ҳам экиш меъёри юқори бўлган ва биологик препаратлар қўлланилган вариантларда нитратли азот миқдори бошқа вариантларга нисбатан кўпайди.

Ҳаракатчан фосфор ва алмашинувчи калий миқдорларида ҳам шундай қонуният такрорланиб, озиқа элементларининг ҳаракатчан шакллари миқдори кўпайди кроталария гектарига 16 кг уруғ экилган ва уруғга экиш билан бирга “Микроўстиргич” биологик препарати билан ишлов берилганда юқори натижа кузатилган. Яъни, кроталария гектарига 8 кг меъёрда экилган ва “Микроўстиргич” биологик пре-

жадвал

Турли экиш меъёрлари ва биологик препаратларнинг тупроқнинг агрокимёвий хоссаларига таъсири, 2024 й.

Вариантлар	Тупроқ қатлами, см	Умумий шакллари, %			Ҳаракатчан шакллари, мг/кг		
		гумус	N	P	N-NO ₃	P ₂ O ₅	K ₂ O
Баҳорда							
Ўртача	0-30	0,9220	0,0860	0,1880	13,10	23,70	187,0
	30-50	0,7550	0,0620	0,1520	7,30	15,90	166,0
Кузда							
1-вариант	0-30	0,8806	0,0813	0,1816	14,47	24,88	194,0
	30-50	0,7337	0,0603	0,1479	7,665	16,29	171,9
2-вариант	0-30	0,8804	0,0810	0,1812	14,68	24,93	194,6
	30-50	0,7334	0,0601	0,1477	7,677	16,35	172,4
3-вариант	0-30	0,8803	0,0810	0,1812	14,70	24,97	194,8
	30-50	0,7332	0,0601	0,1476	7,679	16,39	172,7
4-вариант	0-30	0,8775	0,0810	0,1812	14,77	25,02	195,5
	30-50	0,7329	0,0596	0,1475	7,685	16,42	173,4
5-вариант	0-30	0,8772	0,0808	0,1810	14,87	25,08	195,8
	30-50	0,7326	0,0595	0,1472	7,693	16,49	173,6
6-вариант	0-30	0,8770	0,0808	0,1809	14,89	25,11	196,0
	30-50	0,7325	0,0595	0,1472	7,695	16,54	173,7
7-вариант	0-30	0,8759	0,0807	0,1805	15,09	25,12	196,6
	30-50	0,7322	0,0593	0,1470	7,697	16,59	173,9
8-вариант	0-30	0,8756	0,0805	0,1802	15,33	25,144	196,8
	30-50	0,7318	0,0591	0,1467	7,715	16,67	174,6
9-вариант	0-30	0,8753	0,0803	0,1802	15,37	25,17	197,2
	30-50	0,7316	0,0590	0,1467	7,718	16,69	174,5

парати билан ишлов берилганда 0-30 см ли тупроқ қатламида ҳаракатчан фосфор миқдори 24,97 мг/кг ва 12 кг/га экилганда 25,11 мг/кг бўлса, гектарига 16 кг экилганда 25,17 мг/кг бўлиб, экиш меъёри ошиб бориши билан 0,06-0,20 мг/кг гача ҳаракатчан фосфор миқдори ошди.

Демак, дуккакли экинлар уруғига биологик препаратлар билан ишлов бериш ўсимликни ўсиши ва ривожланишини яхшилаши билан бирга тупроқдаги озика моддалар миқдорининг кўпайишига, шунингдек тупроқ унумдорлигини маълум миқдорда яхшиланишига ижобий таъсир этди.

ХУЛОСА

Навоий вилоятининг оч тусли ўтлоқи бўз тупроқлари

шароитида кроталарияни дон ҳосили учун гектарига 16 кг меъёрида экиш ва уруғларга «Микроўстиргич» биологик препарати билан экиш олди ишлов бериш тупроқнинг агрокимёвий ҳолатини яхшилашда энг самарали агротехник усуллардан бири эканлиги аниқланди. Мазкур технология натижасида тупроқнинг ҳайдов қатламида озика моддалар захираси ортиб, нитратли азот миқдори 2,27 мг/кг, ҳаракатчан фосфор 1,47 мг/кг ва алмашинувчи калий 10,2 мг/кг га ошди. Бу эса тупроқ унумдорлигини сақлаш ва ошириш, кейинги экинлар учун қулай озикланиш муҳитини шакллантириш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида экологик барқарор ва ресурс тежовчи технологияларни қўллаш имкониятини кенгайтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Амантурдиев Б.Б., Ҳасанов Р.К. Доривор кроталария (*Crotalaria*) ўсимлигининг унумчанлигини ўрганиш. //Eurasian journal of technology and innovation. Volume 2, Issue 6, 2024. P. 68-70 E
2. Бердикулов Х.К. Кроталария ўсимлигини лаборатория шароитида уруғ унумчанлигига биостимуляторларнинг таъсири. /Proceedings of International Scientific Conference on Multidisciplinary Studies Hosted online from Moscow, Russia. 2024. 62-66-б.
3. Ёқубов Г.Қ., Негматова С.Т., Нуриллаева М. Тупроқлар мелиоратив ҳолатини яхшилашда кроталария (*Crotalaria juncea* L.) ўсимлигининг роли. //Озиқ-овқат хавсизлигини таъминлашда деградацияга учраган тупроқларнинг интеграллашган бошқаруви ва мелиорацияси: янги ёндашувлар ва инновацион ечимлар мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияси маърузалар тўплами. 22 апрел-Халқаро Ер Куни. 2023. 260-265-б.
4. Кулиев Т.М., Негматова С.Т., Джунаева Л. А. Выращивание волокнистых культур – кроталария на районах аральского моря. /Международная научная конференция «Приоритетные направления повышения эффективности, конкурентоспособности и устойчивости аграрной отрасли», посвященная 105-летию ТатНИИСХ ФИЦ КазНЦ РАН 10 – 11 июля 2025 года Казань, Республика Татарстан, Российская Федерация. С. 249-252
5. Негматова С.Т., Нуруллаева М. Ш. Кроталария ўсимлигини алмашлаб экиш тизимларига киритишнинг самарадорлиги. //International scientific journal science and innovation. 2022. № 4. 221-228-б.
6. Негматова С., Нуруллаева М.. Кроталария илдизларида туганак бактерияларнинг ҳосил бўлиши. //Агро илм. Қишлоқ хўжалиги журнали илмий иловаси. 2025. Махсус сон № 6 (115),. 95-97-б.
7. Нуруллаева М.Ш., Негматова С.Т., Қувондиқова Д.Ф., Ёқубов Г.Қ.. Орол бўйи ҳудудларида толали экин - кроталарияни парваришлаш. /“Экология ва атроф муҳит муҳофазаси муаммолари ва уларнинг инновацион ечимлари” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференцияси тўплами. Урганч-2025. 310-315-б.
8. Ҳасанов Р.К., Абдуллаев Х.О., Хушвактов Н.К., Рузиева Г.Д., Раҳмедова Ф.Ф. Доривор кроталария (*Crotalaria juncea*) ўсимлигининг лаборатория шароитида унумчанлигини таҳлил қилиш. //Modern Education and Development. 2024. 1(1), 85-91-б.
9. Ҳолиқова Д.Б., Халиков Б.М., Негматова С.Т. Кўчат қалинлиги ва маъдан ўғитлар меъёрини кроталариянинг униб чиқиш динамикасига таъсири. //Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал. 2025. № 2/1 (123). 127-131-б.
10. Chaudhury J., Singh D.P. and Hazra S.K. Sunn hemp. //Central Research Institute for jute and allied fibres (ICAR). 1978. P. 102
11. Liener I. E., Sharon N., Goldstein I. J. The Lectins – Properties. //Functions and Applications in Biology and Medicine. 1986. P. 141-147.
12. Montgomery B. Sunn fiber. In: H.R. Mauersberger (ed.), Mathew's textile fibers. 6th ed. Wiley, New York. 1954. P. 323-327.
13. Sadhukhan S., Sarkar U. “Production of biodiesel from *Crotalaria juncea* (Sunn-Hemp) oil using catalytic transesterification: process optimisation using a factorial and Box-Behnken Design”. //Waste and Biomass Valorization. 2016. № 7 (2): P. 343-355
14. <https://link.springer.com/article>

Муаллифлар ҳақида маълумот:

Бобаева Зарифахон Актам қизи, қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори, zarifaaktamovna@gmail.com., ORCID ID 0009-0009-1512-1650

Негматова Сурайё Тешаевна, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти, (Ўзбекистон Республикаси, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Университет кўчаси 1), surayonegmatova606@gmail.com., ORCID ID 0000-0002-6104-7924

ҚИСҚА АХБОРОТ

**ХОРИЖ ПАХТАКОРЛАРИ ТАЖРИБАСИ
ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ ХЛОПКОВОДОВ
EXPERIENCE OF FOREIGN COTTON PRODUCER**

Назаров Ренат Саидович,

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор,

Рашидова Дилбар Каримовна,

қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.

Президентимиз раҳномолигида қишлоқ хўжалигида, хусусан пахтачиликда амалга оширилаётган ислохатлар натижасида ғўзанинг эртапишар, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, ҳудудларнинг тупроқ ва иқлим шароитига мос навлари яратилди, парваришда илғор тажрибалар амалиётига татбиқ этилди, агротехнологиялар мукаммаллаштирилди.



Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитасининг ижрочи директори Терри Таунсенд “Cotton ourlook” халқаро агентлиги бош муҳаррири Рей Батлер ва бошқалар фикрича Ўзбекистон пахтаси сифат жиҳатдан жаҳонда юқори ўринлардан бирига чиқди.

Олимларимиз кўп йиллик изланишлар натижасида ғўзанинг тола чиқими 28-32 фоиздан 37-40

фоизгача, тола узунлигини 26,56-30 мм дан 33-35 мм гача, бир кўсақдаги пахта вазни 6.5-8.5 граммгача оширишга эришдилар.

Сўнгги йиллари мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида катта аҳамиятга эга ўзгаришлар бўлиб ўтмоқда. Пахта ва қишлоқ хўжалигининг бошқа экин турларига қаратилган эътибор ўз натижасини бермоқда. Энг

муҳими, уни етиштирувчиларга қулай шарт-шароитлар яратилмоқда. Ушбу жараёнда хориж тажрибасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Масалан, АҚШ фермерлари пахта майдонларида келаси йили ҳосилига тайёрликларни куздан бошлайди. Пахта йиғиб – териб олингандан сўнг унинг қолдиқлари ва ғўзапоя яхшилаб майдаланади ва дискли плуг билан ҳайдалиб, ерга кўмиб юборилади.

Ер 30-35 см ҳайдалади. Кесакларни майдалаш мақсадида ер икки марта дискаланади. Шундан кейин дала обдон текисланади. Баҳорда эгат пуштасининг тепаси олиб ташланади ва уруғ экилади. Ёзанинг илдизи тез ривожланиши учун эгат ўртасига, 18-20 см чуқурликда ўғит солинади.

АҚШда сувни қондириб суғориш аксарият фермерларнинг доимий ташвишидир.

Бу ерда энг кўп трақалган суғориш усули биздагидек эгатлаб суғоришдир. Бунда тупроқ шароитига қараб сув ҳар бир эгатга ёки эгат оралатиб таралади.

Тупроқ, рельефидан келиб чиқиб, томчилаб суғориш, илдиз орқали суғориш усуллари ҳам ривожланиб бормоқда.

Бу ерда сув биздагига қараганда икки баравар кам сарфланади. Негаки, уларда ариқ ва ўқ ариқ йўқ. Шунингдек, оқава бўлмайди. Яъни, обихаёт тўплагичлардан 1,5-1,8 метр чуқурликда кўмилган қувурлар уланади. Сув қувурларидаги тешикчиларидан эгатларга оқади, эгат охирига бориши билан суғориш тўхтатилади.

Америкалик деҳқонлар ғўзанинг ғовлаб кетишини олдини олиш учун илк босқичларда “Преп” препаратини қўллайди.

Бунинг боиси, кейинги препарат ғўзанинг баргини тушириш хусусиятига ҳам эга, шунинг учун ана шу мақсадларда турли дефолиантлар билан қоришма сифатида қўлланилади.

Бразилия ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришда дунёда биринчи ўнлик мамлакатларига киради. Бу мамлакатда дунёда экин экиладиган майдонининг бешдан бир қисми мавжуд бўлиб 60 миллион гектарни ташкил этади. Бразилия қаҳва ишлаб чиқариш, қанд тростниги (шакарқамиш) ва апельсин ҳосилдорлиги бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Бу мамлакат мол ва парранда ғўшти ҳамда соя ишлаб чиқариш бўйича дунёда биринчи учликдан жой олган. Охириги ўн йилларда бу мамлакатда пахта майдони икки мартага кўпайди -650 минг гектардан 1280 минг гектаргача оширилди ва пахта толаси, ишлаб чиқариш, тўрт баробарга ошди. Пахта ишлаб чиқаришни оширишда унинг ҳосили сўнгги йилларда уч мартага кўпайтирилди. Ҳар гектар майдон ҳисобига тола ҳосили 465 кг/га ўрнига 1257 кг/га гача кўпайтирилди.

Бразилия, дунёда пахта толаси ишлаб чиқаришда Ўзбекистон билан биргаликда биринчи олтилик мамлакатлардан ўрин эгаллайди. Бразилияда қишлоқ

хўжалигининг ривожланиш хусусияти унинг комплекс ривожланиши бўлиб ҳисобланади. Бразилиянинг Фазенда “Денно Готятат”, “Фазенда Калифорния” ва “Фазенда Санта Геновев” каби фермерлари билан танишганда улар Гайана провинциясида жойлашаган жуда катта йирик фермерлар бўлиб, уларнинг экин майдони баъзиларники 5-10, ҳатто 20-50 минг ва ундан кўп минг гектарларни ташкил қилар экан.

Фермерларга муҳитининг экологик хавсизлигини таъминлаш мақсадида ажратилган майдонларнинг 40-70 фоиз қисмини қишлоқ хўжалик ишларига фойдаланишга рухсат этилади. Бразилияда ғўза агротехнологиясининг ўзига хос хусусиятлаари мавжуд.

Пахта ҳосили териб олингандан сўнг ғўза пояси ер юзасидан 10-15 см баландликда майдаланиб, тупроқ юзасига қолдирилади.

Қолдирилган қисқа поялардан 10-15 кун ичида янги барглари ўсиб чиқади, фермерлар янги барглари йўқотиш мақсадида Раундап гербицидни қўллайди. Нега керак бу тадбир деган саволга - фермерлар ўсимлик ва тупроқда ҳар хил касаллик инфекциясининг тўпланиши олдини олиш мақсадида гербицид ишлатар эканлар. Қолган ғўза поя ва бошқа қолдиқларга Раундап сепилиб қуритилгандан кейин фермерлар оралик экинларини африка ўти-блокнария, сорга билан ёки соя билан экилади.

Оралик экинлари сифатида ўстирилган ўтларга фермерлар 1-1,5 ой давомида молларини боқади ва яна гербицид Раундап далага сепилади, сўнги 15 ноябрда, 15 декабр гача бўлган муддатда чигит ерга ишлов бермасдан экилади, чунки Бразилияда 1500-2000 мм октябрдан майгача кучли ёмғир бўлиб ўтади. Тупроқ эрозиясига қарши ерга нулевой ишлов беришдан қўтилган мақсад шундан иборат.

Ёзги юқори ҳарорат (декабрь, январь, февраль) 35-40 даража кундузи, кечаси 24-26 °C, қиш ойлари (июнь-август) 24-28 °C кундузи ва 18-20 °C кечаси бўлади.

Фазенда “Калифорния” (Гайа) раҳбари ҳам чигитни (12-15 кг/га) қаторлар оралиғи 90 см кенгликда, 8 қаторли сеялка ёрдамида қуруқ анғизга экади.

Фермерлар ғўзанинг ўсув даврини қисқартириш учун маъданли ўғитлар билан озиклантиришни ўсимликнинг гулаш бошланишигача ўтказиладилар ва ҳар гектар майдонга азот 200-250 кг, фосфор 100 кг ва калий 150 кг ишлатадилар.

Ўзанинг ривожланишини тезлаштириш учун уч марта – шоналаш, гуллаш бошланиши ва тўлиқ гуллаш даврида ғўзага Пикс моддаси сепилади.

Ҳосил 60-65% очилганда “Деф” (бутифос) дефолианти билан дефолиация ўтказилади. Пахта ҳосили 95-100% очилганда бир марта “Джон-Дир” пахта терим машинаси ёрдамида териб олинади. Ўртача пахта ҳосили 40-44 ц/га. Тола чиқими 38.8-40%, тола ҳосили 1240-1600 кг/га. Уларда пахта заводлари пахта етиштирувчи фермерлар ихтиёридадир.

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ В КИТАЕ

Курбонали Партоев

заведующий лабораторией генетики и селекции растений
Института ботаники, физиологии и генетики растений
Национальной академии наук Таджикистана,
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

О проведении Международной научной конференции, посвящённой 120-летию Юго-Западного университета (КНР)

В рамках проектов, реализуемых при поддержке Правительства Китайской Народной Республики, в период с 16 по 20 апреля 2026 года в провинции Чунцин (район Бэйбэй) состоялась Международная научная конференция, посвящённая 120-летию со дня основания Юго-Западного университета.

Юго-Западный университет, основанный в 1906 году, является одним из ведущих научно-образовательных учреждений Китайской Народной Республики. В настоящее время в университете обучается свыше 60 тысяч студентов, включая представителей более чем 50 стран мира.

В работе конференции приняли участие более 500 представителей научных и образовательных организаций из Китая, Российской Федерации, Республики Казахстан, Республики Узбекистан, Республики Таджикистан, Кыргызской Республики, Канады, Исламской Республики Пакистан, Демократической Социалистической Республики Шри-Ланка, Федеративной Демократической Республики Непал и других государств.

С приветственными словами на открытии конференции выступили: президент Юго-Западного университета профессор Цзиньцзюнь Ван, ректор Казахского агротехнического университета имени С. Сейфуллина Канат Тиреев, представитель по научному сотрудничеству Китая и стран Центральной Азии Вадим Хасанов и другие официальные лица.

В рамках конференции заслушаны доклады ведущих учёных и специалистов в области сельскохозяйственных наук, генетики, селекции растений, фитопатологии и биотехнологий. Тематика докладов охватывала актуальные вопросы обеспечения продовольственной безопасности, внедрения инновационных технологий в растениеводстве, развития трансгенных технологий, устойчивого развития сельского хозяйства, а также международного научного сотрудничества.

Особое внимание в выступлениях было уделено негативному воздействию изменения климата на урожайность сельскохозяйственных культур и необходимости разработки новых научно обоснованных подходов к решению глобальных вызовов современ-

ности. Участники конференции подчеркнули важность консолидации усилий научного сообщества различных стран и расширения международного сотрудничества.

По итогам конференции был подписан ряд меморандумов и соглашений о научно-техническом сотрудничестве между Юго-Западным университетом и зарубежными научно-исследовательскими организациями. В частности, достигнута договорённость о развитии сотрудничества между Юго-Западным университетом (КНР) и Институтом ботаники, физиологии и генетики растений Национальной академии наук Таджикистана.

В рамках мероприятий второго дня состоялась торжественная церемония, посвящённая 120-летию Юго-Западного университета (1906–2026 гг.), с участием представителей научно-образовательных организаций из различных провинций Китайской Народной Республики, а также зарубежных делегаций.

Участники конференции выразили благодарность Правительству Китайской Народной Республики и организаторам мероприятия за высокий уровень подготовки и проведения конференции, а также подтвердили заинтересованность в дальнейшем развитии взаимовыгодного научного сотрудничества.

Проведённая международная научная конференция имеет важное значение для укрепления научных связей между странами, обмена передовым опытом и координации научных исследований, направленных на решение актуальных глобальных задач, включая изменение климата, обеспечение продовольственной безопасности и устойчивое развитие сельского хозяйства.



ПРОФЕССОР САИД-АКБАР РАХМАНҚУЛОВ

90 ёшда

2026 йил 6 май кунни биология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг мухбир аъзоси Саид-Акбар Раҳмонқулов 90 ёшга тўлади. машҳур биология олими ўз ҳаётининг 68 йилини илмий-педагогик фаолиятга бағишлаган.

Саид-Акбар Раҳмонқулов 1936-йил 5-майда Чимкент вилояти Сайрам тумани Сайрам қишлоғида деҳқон оиласида туғилган. 1953-йилда ўрта мактабни тамомлаб, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтининг (ҳозирги Тошкент давлат аграр университети) «Агрономия» факультетига ўқишга кирган. Институтни 1958-йил имтиёзли диплом билан битириб, йўлланма асосида туғилиб ўсган ҳудудига ишга юборилган. 1959-йилда Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги фанлари академияси вице-президенти, академик А.Д.Дадабаев таклифига биноан Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти селекция бўлимида илмий фаолиятини бошлаган.

1961-йилда С.-А.Раҳмонқулов Киев шаҳридаги Ўсимликлар физиологияси институти аспирантурасига ўқишга юборилган. У ерда Украина Фанлар академияси мухбир аъзоси, профессор А.С.Оканенко раҳбарлигида олиб борган тадқиқотлари натижасида 1964-йилда биология фанлари номзоди илмий даражасини олган.

1964-йилдан бошлаб у Ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институтида илмий излашларини давом эттириб, аввал кичик, кейин катта илмий ходим лавозимларида фаолият юритди. Унинг ишлари ғўза селекцияси, уруғчилиги ва биокимёси муаммоларига бағишланди. 1965-йилда олим ташаббуси билан институтда «Ўсимликлар биокимёси» лабораторияси ташкил этилди ва С.-А.Раҳмонқулов мазкур лаборатория мудири этиб тайинланди.

Лабораторияни замон талаблари асосида жиҳозлашда институт директори Ш.И.Ибрагимов катта ҳисса қўшди. С.-А.Раҳмонқулов раҳбарлигида кўп йиллик илмий дастур ишлаб чиқилди, ёш мутахассислар жалб этилди ва янги йўналишларда лаборатория ҳамда дала тадқиқотлари кенг йўлга қўйилди. Ушбу йилларда у академиклар ва йирик олимлар — С.С.Канаш, Б.П.Страумал, А.Д.Дадабаев, Ш.И.Ибрагимов, В.И.Кокуев, Н.Г.Симонгулян, Г.Я.Губанов, Л.Г.Арутюнова, А.А.Автономов ва бошқалар илмий муҳитига кирди. Шунингдек, унинг илмий шаклланишида устозлари — профессорлар А.С.Оканенко ва Б.А.Рубин катта таъсир кўрсатган. Марҳум профессор Ирисали Ниязалиев эса талабалик давридан бошлаб унга устоз, кейинчалик яқин маслаҳатчи бўлган.

С.-А.Раҳмонқуловнинг илмий фаолияти ғўза селекциясида биокимёвий, биотехнологик ва физиологик усуллардан фойдаланган ҳолда янги, ноанъанавий ёндашувларни ривожлантиришга қаратилган. У жаҳон коллекцияси ва селекцион-генетик манбалар хусусиятларини, уларнинг ноқулай муҳитга чидамлилигини ўрганиб, селекция жараёнини тезлаштириш йўллари асослаб берди.

Тадқиқотлар натижасида эрта авлод гибридларида (F_1-F_3) хўжалик учун қимматли белгилар, уруғдаги захира моддалар таркиби ва айниқса хлоропластлар фа-

олияти ўртасида узвий боғлиқлик борлиги аниқланди. Олим фотосинтезни бошқаришда цитоплазматик генлар муҳим ўрин тутишини исботлади ва бу ғўза гетерозиси назарияси ривожига катта ҳисса бўлди.

**УНИНГ РАҲБАРЛИГИДА ТУРЛАРА-
РО ГИБРИДЛАШДА НОМУТАНОСИ-
БЛИК ТЎСИҚЛАРИНИ ЕНГИШ УЧУН
ЭМБРИОКУЛЬТУРАГА АСОСЛАНГАН
БИОТЕХНОЛОГИК УСУЛЛАР ИШЛАБ
ЧИҚИЛДИ. НАТИЖАДА ЭРТАПИШАР,
ИҚЛИМНОҚУЛАЙЛИКЛАРИГА, ВИЛТ
КАСАЛЛИГИГА ВА ШЎРЛАНИШГА
ЧИДАМЛИ, ТОЛА СИФАТИ ХАЛҚАРО
ТАЛАБЛАРГА ЖАВОБ БЕРАДИГАН
 ГИБРИДЛАР ВА ЛИНИЯЛАР ЯРАТИЛ-
ДИ. *G. HIRSUTUM* БИЛАН ЁВВОЙИ ТУР-
ЛАР ИШТИРОКИДА АМФИДИПЛОИД
 ГИБРИДЛАР ОЛИНДИ. ҚАТОР ЛИНИ-
ЯЛАР НАВ ДАРАЖАСИГАЧА ЕТКАЗИ-
ЛИБ, ТАЖРИБА ХЎЖАЛИКЛАРИДА
СИНОВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА.**

Олим «АМВ-1006» экспресс-анализаторини ғўза уруғи мойдорлигини ҳам аниқлаш имконияти билан такомиллаштиришни таклиф қилди ва жорий этиш-да иштирок этди. У селекция орқали уруғ мағзининг мойдорлигини ошириш, оқсилларни маркер сифатида қўллаш бўйича кенг қўлланма тадқиқотлар олиб борди. Уруғни бузмасдан мойдорликни аниқлаш усули ишлаб чиқилиб, уруғларнинг ҳаётчанлиги сақланди.

Бу ишлар натижасида юқори мойли навлар — С-6524, С-9070, Омад, Оққўрғон-2, С-2609, Турон, Султон, Истиқлол, Истиқлол-13, Истиқлол-14, С-2118, С-2120, Мангит-1 ва бошқалар яратилди. Оқсил маркерлари асосида навларни фарқлаш ва гетерогенлик банки шакллантирилди.

1986-йилда у «Ќўза гетерозиси физиологияси» мавзусида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. 1991-йилда институт директори ўринбосари, 1995–1998 йилларда эса Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти бош директори бўлиб ишлади. У институт ва филиаллар илмий режаларини такомиллаштирди, тадқиқотлар сифатини ошириш ва ишлаб чиқаришга жорий этишни кучайтирди.

Унинг раҳбарлигида Ўзбекистонда илк бор бир майдонда узлуксиз монокультура бўйича кўп йиллик илмий тажриба олиб борилди. Турли тупроқ-иқлим шароитлари учун самарали агротехнологиялар, алмашлаб экиш тизимлари, икки марта ҳосил олиш технологиялари, қанд лавлаги ва плёнка остида пахта етиштириш усуллари ишлаб чиқилди.

У институтда янги бўлим ва лабораториялар ташкил қилди, Фарғона, Сурхондарё, Сирдарё ҳудудларида селекция пунктлари очди. Халқаро ҳамкорликни ривожлантирди, илмий симпозиумлар ташкил этди, фермерларга амалий ёрдам кўрсатди.

С.-А.Раҳмонкулов кўп йиллар давомида ёш кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратди. 2002–2009 йилларда Тошкент давлат аграр университетида профессор сифатида дарс берди. У 270 дан ортиқ илмий иш, 4 монография, 8 услубий қўлланма муаллифи. 5 та нав учун патент олган.

У 7 нафар фан номзоди ва 3 нафар фан докторини тайёрлаган, кўплаб диссертацияларга расмий оппонент бўлган. Илмий кенгашлар аъзоси, журналлар таҳрир хайъати аъзоси сифатида фаолият юритган.

**ХИЗМАТЛАРИ УЧУНОЛИЙ КЕНГАШ
ФАХРИЙ ЁРЛИҒИ, «ЎЗБЕКИСТОНДА
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИ ХОДИМИ» УНВОНИ,
«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» МЕДАЛИ
ВА БОШҚА МУКОФОТЛАР БИЛАН
ТАҚДИРЛАНГАН.**

Бугун ҳам профессор С.-А.Раҳмонкулов илмий тадқиқотлар, дала тажрибалари ва уруғчилик ишларида фаол иштирок этмоқда. У яратган илмий мактаб етакчиси сифатида ёш авлод учун илм ва халққа хизмат намунасини кўрсатди.

**БУГУНГИ НУРЛИ ВА ФАЙЗ-
ЛИ КУНДА СИЗГА ЯРАТГАНДАН:
МУСТАҲКАМ САЛОМАТЛИК ВА
ТАН-ЖОН ОФИЯТ, ҚАЛБ ХОТИРЖАМ-
ЛИГИ ВА ОИЛАВИЙ ФАЙЗУ БАРАКА,
ФАРЗАНДЛАР, НАБИРА-ЧЕВАРАЛАР
ВА СОДИҚ ШОГИРДЛАР АРДОҒИДА
БЎЛИШ БАХТИНИ ТИЛАЙМИЗ.**

**ИЛОҲИМ, СИЗДАГИ БУ ДОНИШ-
МАНДЛИК ВА НУРОНИЙЛИК БИЗГА
ҲАМИША ДУОҒЎЙ БЎЛИБ ТУРСИН.
ХОНАДОНИНГИЗНИНГ ФАЙЗИ, ДАВ-
РАЛАРИМИЗНИНГ ЗИЙНАТИ БЎЛИБ,
ЮЗ ЁШ БИЛАН ЮЗЛАШИБ, ЯНА
МАНА ШУНДАЙ ДАВРАЛАРДА БАЙ-
РАМ ҚИЛИШ НАСИБ ЭТСИН.**

**ТЎҚСОН ЁШИНГИЗ ҚУТЛУҒ,
УМРИНГИЗ ЗИЁДА БЎЛСИН, АЗИЗ
УСТОЗ!»**

**ПСУЕАИТИ раҳбарияти
ва илмий ходимлари**



*Atoqli genetik, seleksioner olim,
sobiq Butunittifoq qishloq xo'jalik
akademiyasining akademigi,
O'zbekistonda xizmat ko'rsatgan
fan arbobi, qishloq xo'jaligi fanlari
doktori Sadiq Miraxmedovich
Miraxmedov 1926-yilda Toshkent
shahrida dehqon oilasida tavallud
topgan.*

O'ZBEKISTON PAXTACHILIK ILMINING YORQIN SIYMOSI – AKADEMIK SODIQ MIRAXMEDOVICH MIRAXMEDOVNI XOTIRLAB

Toshkent shahridagi 59-o'rta maktabni tugatgach, Toshkent qishloq xo'jaligi instituti qoshidagi O'rta Osiyo o'simliklarni himoya qilish bo'yicha agronomlar malakasini oshirish kursiga o'qishga kirdi va uni 1944-yilda tamomladi. 1945-yilda Qashqadaryo viloyati birinchi Qarshi MTSda agronom-entomolog bo'lib ishlagan. 1945-yilda yo'llanma bilan sobiq Toshkent qishloq xo'jaligi instituti (hozirgi Toshkent Davlat agrar universiteti)ga o'qishga yuborildi. 1950-yilda institutni tugatgach, O'zbekiston Fanlar Akademiyasi qoshidagi sobiq O'simliklar eksperimental biologiyasi institutiga yo'llanma oldi va u yerda 1950-yil 30-sentyabrgacha agrobiologiya laboratoriyasining katta laboranti bo'lib ishladi. 1950-yil 1-oktyabrdan 1953-yil 30-sentyabrgacha shu institutning aspiranturasida tahsil oldi.

S.M.Miraxmedov aspiranturani tamomlagach, shu institutda ishga qabul qilindi. Institutdagi ish uning faol ilmiy-tadqiqot faoliyatini boshlab berdi. 1954-yil 1-maydan 1960-yil 30-iyulgacha O'zbekiston FA sobiq O'simliklar eksperimental biologiyasi institutining o'simliklar irsiyati va hayotiyilgini boshqarish laboratoriyasida kichik ilmiy xodim, 1960-yil 1-iyuldan 1963-yil 31-dekabrgacha katta ilmiy xodim bo'lib ishladi. 1960-yil 27-iyunda "G'o'zaning yangi shakl va navlarini yaratishda vegetativ duragaylashning roli" mavzusida biologiya fanlari nomzodi ilmiy darajasini olish uchun dissertatsiya ishini

himoya qildi. 1964-yil 1-yanvardan 1976-yil 16-maygacha O'zbekiston Fanlar akademiyasi O'simliklar eksperimental biologiyasi instituti G'o'zaning viltga chidamliligi genetikasi laboratoriyasi mudiri bo'lib ishlagan.

Bu davrda g'o'zaning viltga chidamli navlarini yaratish muammosi ayniqsa dolzarb edi. Respublika dalalarida o'simliklarning xavfli kasalligi - vilt avj olib, xalq xo'jaligiga sezilarli zarar yetkazdi. G'o'zaning immunitetli navlarini yaratish va ishlab chiqarishga joriy etish kasallikni bostirishda eng keskin chora bo'ldi. Seleksiyada qo'llanilgan navlararo va turlararo chatishtirishlarning yakka tanlash metodlari ijobiy natijalar bermadi. S.M.Miraxmedov tomonidan tur ichida alohida duragaylash usuli qo'llanilgan.

**VILTGA CHIDAMLI YANGI NAVLARNI YARATISH
UZOQ YILLAR DAVOM ETDI, AMMO SABR-TOQAT,
TANLAGAN KASBIGA SADOQAT, KATTA IRODA
KUCHI, ULKAN AQLIY ZO'RRIQISH, TAJRIBA
PAYKALCHALARIDA KUNDALIK MASHAQQATLI
MEHNAT MUVAFFAQIYAT BILAN YAKUNLANDI:
G'O'ZANING KASALLIKLARGA CHIDAMLI,
TEZPISHAR, KO'SAKLARI TO'LIQ VA TOLALARI
UZUN YANGI "TOSHKENT-1", "TOSHKENT-2" VA
"TOSHKENT-3" NAVLARI YARATILDI.**

1972-YIL 28-IYUNDA BUTUNITTIFOQ QISHLOQ XO'JALIGI FANLARI AKADEMIYASI HAQIQIY A'ZOLARI: AKADEMIKLAR VA MUXBIR A'ZOLARINING UMUMIY YIG'ILISHIDA S.M.MIRAXMEDOV O'SIMLIKSHUNOSLIK VA SELEKSIYA BO'LIMI BO'YICHA VASXNILNING MUXBIR A'ZOSI, 1978-YIL 26-SENTYABRDA ESA AKADEMIGI ETIB SAYLANDI.

S.M.Miraxmedov tomonidan yaratilgan "Toshkent-1", "Toshkent-2", "Toshkent-3", "Toshkent-6" g'o'za navlari 1971-yildan boshlab 14300 ming gektar maydonni egalladi.

Olim 1976-yilda sobiq G.S.Zaysev nomidagi Butunittifoq g'o'za seleksiyasi va urug'chiligi ilmiy-tadqiqot instituti (hozirgi Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotexnologiyalari ilmiy-tadqiqot instituti) direktori etib tayinlandi. Institut Ilmiy kengashining, shuningdek, "Seleksiya va urug'chilik" mutaxassisligi bo'yicha nomzodlik dissertatsiyalarini himoya qilish bo'yicha ixtisoslashtirilgan Ilmiy kengashning raisi bo'lgan.

S.M.Miraxmedov kadrlar tayyorlashga katta e'tibor berdi. U boshqa paxta yetishtiruvchi respublikalarning olimlari ishtirok etgan paxtachilikning dolzarb muammolari bo'yicha muvofiqlashtiruvchi kengashlarni o'tkazishda katta yordam ko'rsatdi.

S.M.Miraxmedovning yanada takomillashgan parametrlarga ega yangi navlarni yaratish bo'yicha tadqiqotlari davom ettirildi. Natijada tezpishar, serhosil "Qizil-Ravat" va "Toshkent-6" navlari yaratildi.

S.M.Miraxmedov o'zining samarali ilmiy faoliyatini jamoat ishlari bilan mohirona uyg'unlashtirgan. Olim ko'p marta Toshkent viloyati hozirgi Qibray tumani mehnatkashlar deputatlari Salar posyolka Kengashi deputati, O'zbekiston mehnatkashlar deputatlari Toshkent viloyati Kengashi deputati etib saylangan.

S.M.MIRAXMEDOV "PAXTACHILIK ENSIKLOPEDIYASI" (I VA II JILDLAR), G.S.ZAYSEV VA S.S.KANASHNING TANLANGAN ASARLARI, SHUNINGDEK, G.S.ZAYSEV NOMIDAGI BUTUNITTIFOQ G'O'ZA SELEKSIYASI VA URUG'CHILIGI ILMIY-TADQIQOT INSTITUTINING 16, 17, 18, 19, 20-SONLI "G'O'ZA GENETIKASI, SELEKSIYASI VA URUG'CHILIGI" ILMIY ASARLARINING BOSH MUHARRIRI BO'LGAN. U SOBIQ BUTUNITTIFOQ QISHLOQ XO'JALIK FANLARI AKADEMIYASINING O'RTA OSIYO BO'LIMI PREZIDIUMI A'ZOSI, SHUNINGDEK, "PAXTACHILIK" JURNALI TAHRIRIYAT HAY'ATI A'ZOSI BO'LGAN.

S.M.Miraxmedov g'o'za seleksiyasi va urug'chiligi ishlari bilan tanishish hamda amaliy yordam ko'rsatish maqsadida Ruminiya, Suriya, Amerika, Vyetnam,

Bolgariya, Meksika va Efiopiyada xizmat safarlarida hamda delegatsiya bilan birga chet ellarda bo'ldi.

Olimning qilgan mehnatlari va erishgan yutuqlari munosib baholanib, 1965-yilda "Hurmat belgisi" ordeni, 1971-yilda "Mehnat Qizil Bayroq" ordeni, shu yili siyosiy va ilmiy bilimlarni targ'ib qilish, mehnatkashlarni tarbiyalashdagi xizmatlari uchun u atoqli olim, Butunittifoq "Bilim" jamiyatining birinchi raisi akademik N.I.Vavilov nomidagi medal bilan taqdirlandi. S.M.Miraxmedov 1974-yilda sobiq Butunittifoq xalq xo'jaligi qatnashchisi bo'lgan va Butunittifoq xalq xo'jaligi oltin medali, 1983-yilda esa kumush medali bilan taqdirlangan.

G'o'zaning viltga chidamli navlarini yaratganligi uchun olim 1970-yilda O'zbekiston XTXKning birinchi darajali diplomiga sazovor bo'ldi.

S.M.MIRAXMEDOV PAXTACHILIK SOHASIDAGI SAMARALI XIZMATLARI VA TAVALLUDINING 50 YILLIGI MUNOSABATI BILAN 1976-YILDA O'ZBEKISTON QISHLOQ XO'JALIGI VAZIRLIGINING, 1977-YILDA ESA O'ZBEKISTON OLIY KENGASHI RAYOSATI HAMDA VAZIRLAR KENGASHINING FAXRIY YORLIQLARI BILAN TAQDIRLANGAN. 1976-YILDA O'ZBEKISTONDA XIZMAT KO'RSATGAN FAN ARBOBI UNVONIGA SAZOVOR BO'LGAN. SHUNINGDEK, U O'ZBEKISTON YOSH OLIMLARINING QISHLOQ XO'JALIGI BO'YICHA KONFERENSIYASIDA "QISHLOQ XO'JALIGI EKANLARI GENETIKASI, BIOKIMYOSI, SELEKSIYASI VA URUG'CHILIGI" SHO'BASI ISHINI YUQORI DARAJADA TASHKILETGANI UCHUN O'ZBEKISTON RESPUBLIKA QISHLOQ XO'JALIGI ILMIY-TEXNIKA JAMIYATI BOSHQARUVINING FAXRIY YORLIG'IGA SAZOVOR BO'LGAN. 1979-YILDA ESA KO'P YILLIK SAMARALI MEHNATI, IJTIMOY HAYOTDAGI FAOL ISHTIROKI HAMDA SOBIQ BUTUNITTIFOQ QISHLOQ XO'JALIGI FANLARI AKADEMIYASINING 50 YILLIGI MUNOSABATI BILAN USHBU AKADEMIYANING FAXRIY YORLIG'I BILAN MUKOFOTLANGAN.

Olimning boy ilmiy merosi nafaqat o'zbek paxtachilik seleksiyasi taraqqiyotiga, balki kasalliklarga chidamli va yuqori hosilli g'o'za navlarini yaratish orqali jahon agrar ilmi rivojiga ham munosib hissa bo'lib qo'shildi.

Akademik Sodiq Miraxmedovich Mirahmedovni 100 yillik tavallud kunida yodga olar ekanmiz uning qoldirgan ilmiy merosi - avlodlar uchun bilim maktabi, milliy seleksiya fani uchun esa mustahkam poydevor bo'lib qolishiga ishonamiz.

A.AMANTURDIYEV,

Laboratoriya mudiri, q.x.f.d., professor,

X.JALOLOV,

Ilmiy kotibi, q.x.f.d., k.i.x.,

Paxta seleksiyasi, urug'chiligi va yetishtirish agrotexnologiyalari ilmiy-tadqiqot instituti.

“Пахтачилик ва дончилик” илмий-амалий журналада мақолаларни чоп этиш учун қўйиладиган талаблар

“Пахтачилик ва дончилик” илмий-амалий журналада нашр этиладиган илмий мақолаларга фан ва ишлаб чиқаришни бир-бири билан уйғунлашган ҳолда мазкур соҳага доир янгиликлар, илмий-амалий ишлар, инновацион ғоялар ҳамда ишлаб чиқаришдаги ютуқлар, шунингдек тизимда фаолият юритаётган ходимларнинг илғор тажрибаларини тарғиб қилиш, оммалаштириш, хориж ва мамлакатимизда олий таълимдан кейинги тадқиқотлар тизимида жорий қилинган андозалар асосида талаблар қўйилади. Мақолада назарда тутилган муаммоларнинг мазмуни, тадқиқот услубининг тавсифи, муаллиф томонидан олинган натижалар ҳамда хулосалар қисқа ва аниқ келтирилиши мақсадга мувофиқ.

Мақолалар ўзбек, рус ёки инглиз тилларида ёзилган, таҳрирланган ва форматланган бўлиши керак.

Мақоланинг ҳажми А-4 форматда бўлиб, 20 бетдан ошмаслиги керак, бетларни рақамлаш узлуксиз. Ушбу жилд матн, реферат, библиография, жадваллар, расмлар ва изоҳларни ўз ичига олади. Асосий матн Times New Roman шрифтида терилади, 1,5 оралиқда, асосли ва дефиссиз, шрифт ҳажми 12. Бетнинг барча томонлари 3 см бўлиши керак. Каттароқ мақолалар нашриёт билан олдиндан келишилганидан кейингина қабул қилинади. Мақола УДКга эга бўлиши керак (<http://teacode.com/online/udc/> веб-сайтида аниқлаш мумкин). Муаллифлар сони бештадан кўп бўлмаслиги лозим. **ORCID ID** идентификатори кўрсатилади.

Экспериментал мақолалар учун қуйидаги бўлимлар тавсия этилади: УДК, Аннотация (100-150 сўздан кам бўлмаган), Калит сўзлар (10 тадан кам бўлмаган), Кириш (Introduction); Материаллар ва услублар (Materials and Methods); Натижалар ва мунозара (Results & Discussion); Хулосалар (Conclusions); Миннатдорчилик (Acknowledgement); Адабиётлар (References).

Назарий, мулоҳаза ва муаммоли мақолалар ихтиёрий тузилишга эга бўлиши мумкин, аммо улар таркибида хулоса бўлиши шарт. Бундай мақолалардаги бўлим номлари муаллиф томонидан белгиланади.

Журналда қуйидаги асосий йўналишлар бўйича илмий мақолалар нашр қилинади:

- Умумий деҳқончилик. Пахтачилик
- Мелиорация ва суғориладиган деҳқончилик
- Агрохимё ва тупроқшунослик
- Селекция ва уруғчилик
- Ўсимликшунослик
- Умумий генетика
- Молекуляр генетика
- Ўсимликларни ҳимоя қилиш

Мақолани расмийлаштиришга қўйиладиган талаблар:

1. Мақола мавзусига мос УЎТ индекси биринчи саҳифанинг чап бурчагига қўйилади.
2. Мақоланинг номи ўзбек, рус, инглиз тилларида (Шрифтнинг катталиги – 12) – босма ҳарфларда марказда қўйилади.

3. Муаллифнинг фамилияси, исми, отасининг исми, иш жойи (ўқиш жойи), лавозими ҳақидаги маълумот мақола юқори қисмининг ўнг тарафига кичик ҳарфларда, ўзбек, рус, инглиз тилларида, курсив (Шрифтнинг катталиги – 12. Қаторлар оралиғи (интервал) – 1) билан ёзилади.

4. Қисқача аннотация ўзбек, рус, инглиз тилларида (Шрифтнинг катталиги – 12. Қаторлар оралиғи (интервал) – 1) ёзилиши лозим. Сўзлар сони 100-150 тани ташкил этиши мақсадга мувофиқ бўлади.

5. Калит сўзлар – (10 тадан кам бўлмаган) уч тилда ўзбек, рус, инглиз тилларида берилади.

6. Кириш (Introduction); Материаллар ва услублар (Materials and Methods); Натижалар ва мунозара (Results & Discussion); Хулосалар (Conclusions); Миннатдорчилик (Acknowledgement); Адабиётлар (References). Муаллифлар ҳақида маълумот:

Жадваллар минимал миқдорда (3 тадан кам бўлмаган) алоҳида саҳифаларда топширилади. Уларнинг ҳажми 1 саҳифадан ошмаслиги керак. Жадвал, график ва мақола матнларида бир хил маълумотларни такрорлаш мумкин эмас. Жадваллар номланиши ва рақамланиши шарт (жадвал 1, жадвал 2). Иллюстрациялар энг кўпи билан (2-3 расм) бўлиши керак, мақоланинг зарур жойларида суратларга илова қилинади (расм 1, расм 2).

Матндаги ҳаволалар қуйидаги тартибда шакллантирилади; (Якубов, 1999). Агар нашрда иккита муаллиф бўлса, унда иккала фамилия ва нашр этилган йил кўрсатилади, масалан: (Шарипов, Мамедов, 2001). Уч ва ундан ортиқ муаллифларнинг асарлари қуйидагича келтирилган: (Амантурдиев ва бошқ., 1998; Назаров ва бошқ., 2000).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати алифбо тартибида (Times New Roman; 12 шрифт; 1.0 интервал) кўрсатилиши лозим.

Чоп этиладиган мақолалар мазкур иш бажарилган муассаса йўлланма хати, эксперт комиссия далолатномаси, иккита тақриз (шундан биттаси фан докторидан) бўлиши керак. Мақолалар таҳрирдан ўтказилади, шунингдек, таҳрирдан ўтмаган мақолалар журналда чоп этилмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Мақолалар agroseedscience@gmail.com электрон почта манзилига юборилади. Қўшимча ахборотларни +99890-935-16-77 телефон рақами орқали олиш мумкин.

Таҳририят.

Требования к оформлению статей для публикации в научно-практический журнале «Хлопководство и зерноводство»

Научно-практический журнал «Хлопководство и зерноводство» создан для представления научных исследований и полученных результатов по актуальным вопросам в области растениеводства, в частности хлопководства, генетики, селекции, биотехнологии, семеноводства, мелиорации земель, агрохимии, агротехнологических мероприятий; осуществления взаимосвязи науки с производством, продвижения и популяризации инноваций в данных направлениях, пропаганды передового опыта сотрудников, работающих в данной системе и т.д. Авторам статей рекомендуется конкретно и четко отражать смысл предусматриваемой проблемы (задачи), характеристику методик, полученных результатов и сделанных выводов.

Статьи должны быть написаны на узбекском, русском или английском языках, отредактированы и оформлены в соответствии с нижеследующими требованиями.

Объем статьи – не более 20 страниц формата A4, нумерация страниц сквозная. В этот объем входят текст, аннотация, список литературы, таблицы, иллюстрации и подписи к ним. Основной текст набирается шрифтом Times New Roman через 1,5 интервала с выравниванием по ширине и без переносов, размер шрифта 12 pt. Поля – 3 см со всех сторон страницы. Статьи большего объема принимаются только после предварительного согласования с редакцией. Статья должна иметь УДК (можно определить на сайте <http://teacode.com/online/udc/>). Количество авторов – не более пяти. При подаче статьи просим указывать **ORCID ID**.

Для экспериментальных статей рекомендуются следующие разделы: УДК. Аннотация (резюме не более 100-150 слов), Ключевые слова (не более 10), Введение (Introduction); Материалы и методы (Materials and Methods); Результаты и Обсуждение (Results & Discussion); Заключение (Conclusions); Благодарность (Acknowledgement); Список литературы (References).

Теоретические, обзорные и проблемные статьи могут иметь произвольную структуру, но обязательно должны содержать резюме. Названия разделов в таких статьях определяются автором.

Для публикации в журнале будут приниматься статьи по следующим основным направлениям:

- Общее земледелие. Хлопководство
- Мелиорация и орошаемое земледелие
- Агрохимия и почвоведение
- Селекция и семеноводство
- Растениеводство
- Общая генетика
- Молекулярная генетика
- Защита растений

Требования к оформлению статей:

1. Соответствующий названию статьи УДК ставится на первой странице в левом углу.
 2. Название статьи печатается на узбекском, русском и английском языках (кегель – 12) прописными буквами по центру.
 3. Фамилия, имя, отчество автора(ов), сведения о месте работы (учебы), должность приводятся в верхней части текста строчными буквами курсивом на узбекском, русском и английском языках (шрифт – 12, интервал – 1).
 4. Аннотация статьи на узбекском, русском и английском языках (кегель – 12, интервал – 1). Количество слов должно составлять 100-150.
 5. Ключевые слова (не менее 10) предоставляются на трех - узбекском, русском и английском языках.
 6. Введение (Introduction); Материалы и методы (Materials and Methods); Результаты и Обсуждение (Results & Discussion); Заключение (Conclusions); Благодарность (Acknowledgement); Список литературы (References).
- Информация об авторах.

Таблицы в минимальном количестве (3 шт.) печатаются на отдельных страницах. Их объем не должен превышать 1 страницу. Нельзя повторять одни и те же данные в таблице, графике и в тексте статьи. Необходимы заглавия и нумерация таблиц (таблица 1, таблица 2). Иллюстрации не должны превышать 2–3 рис., при необходимости, в статье предоставляются рисунки в виде приложения (рис. 1, рис. 2).

Ссылки в тексте оформляются в следующем порядке: (Якубов, 1999). Если в публикации два автора, то указываются оба автора и год издания, например, (Шарипов, Мамедов, 2001). При наличии трех и более авторов, указывается фамилия лишь первого автора и год издания: (Амантурдиев и др., 1998; Назаров и др., 2000).

Список использованной литературы необходимо составлять в алфавитном порядке (Times New Roman; кегль 12; интервал 1,0).

Для публикации статьи в редакцию необходимо предоставить сопроводительное письмо организации, где выполнены исследования, акт экспертной комиссии и два отзыва (один из которых должен быть от доктора наук). Статьи проходят обязательное рецензирование. Статьи, не отвечающие требованиям, не публикуются в журнале и не возвращаются авторам. Статьи необходимо посылать на электронную почту редакции **agroseedscience@gmail.com**. Дополнительную информацию можно получить по телефону +99890-935-16-77

Редакция.

**“Пахтачилик ва дончилик” илмий-амалий журнали
«Хлопководство и зерноводство» научно-практический журнал**

Бир йилда тўрт марта чоп этилади.

Обуна индекси – 1378

Журнал 2021 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва Оммавий Коммуникациялар Агентлигида
2021 йил 17 августда 1149-сонли рақам билан
рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Агтестация Комиссиясининг 2021 йил
30 октябрдаги №308/6 сонли қарори билан қишлоқ хўжалиги
ва биология фанлари бўйича диссертациялар асосий илмий
натижаларини чоп этиш тавсия этилган миллий илмий нашрлар
рўйхатига киритилган.

Таҳририят манзили: Тошкент вилояти, Қибрай тумани,

Университет кўчаси 1-уй.

Мухаррир: Жамалов Л.О.

Мусахҳиҳ: Исломова Ҳ.С.

Техник муҳаррир: Гуломов А.Т.

Дизайнер саҳифаловчи: Мамажонов У.Р.

Босишга рухсат этилди: 30.06.2026 йил

Бичими 60x84 1/16. “Arial” гарнитурда

рақамли босма усулда чоп этилди.

Шартли босма табоғи 14.0 Адади 100 нусхада.

Буюртма № 18

“Fan ta`lim poligraf” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Дўрмон йўли кўчаси, 24-уй.